


1991 йил 1 сентябрдан  
чиқа бошлаган

# Оила ва жамият

## ОРЗУ-НИЯТЛАРИ УЛКАН



Тошкент Фармацевтика институти биринчи проректори Неъматжон Олимов билан суҳбатимиз ёшларимизнинг камолоти, илмга интилишлари ҳақида бўлди:  
- Ватанни севиш, кадр-қиммат,

ларнинг оиласи билан доимий ҳамкорлик ўрнатилган. Институтимиз

мехр-оқибат сингари олий фазилатлар ёшлар онгига оилада сингдирилади. Ёшлар учун она халқини эъозлаш, аждодлар қолдирган моддий ва маънавий маданиятни билиш, у билан фахрланиш муҳим аҳамиятга эга. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Тошкент Фармацевтика институти олтинчи ўқув йилини бошлади. Айни вақтда 1200 талаба сабоқ олмоқда. Кичик-кичик гуруҳларга бўлинган талабаларни довлаларимиз ўз оталигига олган. Айниқса, вилоятлардан келган, ота-онасидан узоқда бўлган ёшлар учун бундай эътибор жуда зарур. Институтимизда талаба-

ректори, профессор, Нью-Йорк фанлар академияси аъзоси Аҳмадхўжа Юнусхўжаев раҳбарлигида малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бераёلمиз. Чунки, ҳар бир илм даргоҳининг обрў-эътибори, унинг илмий салоҳияти талабаларнинг савияси, ўз танлаган мутахассисликларини қай даражада эгаллаганиклари билан белгиланади. Институт қошида мустақил иш юритаётган "Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази" дориларнинг сифатини назорат қилиш, ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, барча клиник ҳолатигача бўлган тадқиқотларни ўтказиш имкониятига эга. Мустақил республикамиз фармация саноатининг тараққиёти учун бу бекиёс аҳамиятга эга.

**- Оиласида бахтли инсон ҳамиша, ҳамма жойда бахтли дейишади...**  
- Ҳақиқатан ҳам ўз оиласидан ҳузур-ҳаловат топган одам ижтимоий ҳаётда ҳам фаол бўлади. Турмуш ўртоғим Широини инглиз тили муаллимаси. Тўнғич ўғлимиз Дилшодбек жаҳон Иқтисодиёти ва Дипломатияси университетини талабаси, Жаҳонгир мактаб ўқувчиси. Иккаласи ҳам ўз она тилимиздан ташқари рус ва инглиз тилларини мукамал билади. Кичик оиламиз катта мақсадлар билан яшаштирданидан қувонаман.

**ХУЛКАР**

**21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 15 йил тўлди.**

## ОНА ТИЛИМ ОМОН БЎЛ!

(Қўшиқ)

**Олтин сандиқ - бойлигим  
Она тилим омон бўл!  
Саҳий - хотам тойлигим  
Она тилим омон бўл!  
Дилимнинг таржимони,  
Тилларнинг энг жоними,  
Сўзи қаймоқ, мойлигим,  
Она тилим омон бўл!  
Оҳоринг тўқилмасин,  
Чокларинг сўқилмасин,  
Оҳангдор чиройлигим  
Она тилим омон бўл!  
Давлат мақоми олинган,  
Эл юртга доврўқ солдинг,  
Бир гапли, бир жойлигим,  
Она тилим омон бўл!  
Тилим узун сен билан,  
Тиллашиб ҳар зум Тўлан,  
Сендан тошқин сойлигим,  
Она тилим омон бўл!**

**Тўлан ТАБАССУМ,  
Қорақамиш даҳаси,  
"Табассум" маҳалласи.**

Очилини айтиш керак, мамлакатимизнинг бугун бутун дунёда ўзига хос обрў-эътибор қозонишида аёлларнинг ўз ўрни, даражаси бор. Негаки, улар ҳаётнинг барча соҳаларида фаол иштирок этмоқдалар. Уларнинг мақсадлари, орзу-интилишлари, жамиятдаги мавқеи ҳам ўзига хосдир. Шу боис, кейинги пайтларда аёлларга, уларнинг иш фаолиятига ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўрсатилган ана шу эътибор, билдирилган ишончга кўра, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар иштироки йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Қолаверса, бугун халқроқ майдонда ўз ўрнини топиб, дунё сиёсатдонлари томонидан эътироф этилаётган мамлакатимизнинг янги парламентида айнан хотин-қизларнинг ўз мавқеи бўлиши, табиий.

## АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Юртимиз мустақиллигининг илк йиллариданоқ, аёллар масаласи, уларнинг ижтимоий аҳволи, баркамол, соғлом авлодни дунёга келтиришда ва тарбиялашда уларнинг вазифаларига доир қатор чора-тадбирлар белгилаб берилдики, бундан йиллар мобайнида қилинган ишлардан ҳам кўриш мумкин. Хусусан, Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг XV сессиясида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра, Қонуннинг 22-моддаси "**Хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида 4 ўттиз фоизини ташкил этиши лозим**" деган тўртинчи қисм билан тўлдирилди. Айтиш

мумкинки, бу ҳам аслида аёлларга берилган имкониятлардан. Эндикда уларнинг мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён-сайловларда нафақат сайловчи, балки халқнинг ишонган вакили сифатида ҳам фаол иштироки, характери кузатилади.

Дунё ҳамжамиятида тан олинган 26 декабр—**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга Сайлов куни**

ганидек, эркин ва ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий манбала-ридан бири—сайловларнинг ошқор ва тенглик тамойиллари асосида ўтказилишидир. Шунингдек, Қонундан юқоридики биз тилга олган ўзгартишларда айнан тенглик тамойилларига риоя этилади. Тўғри, номзодларни кўрсатиш борасида аёлларга

алоҳида эътибор қаратилаётти. Бироқ бу дегани сиёсий партиялардан кўрсатиладиган номзодлар аёл киши бўлса, эртага у сўзсиз депутатликка сайланади, дегани эмас. Айни шу ҳақиқатни англаб етиш эса биз учун, сиёсий партиялар учун, қолаверса, сайланувчилар учун ҳам муҳимдир.

Дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари парламентида аёлларнинг сиёсат майдонида ўз ўрнини мустаҳкам эгаллашларининг сабаби, мақсад ва вазифаларини, шунинг билан бирга одамларга хизмат қилиш шарт бўлган амалий манфаатларни бошқаларга тўғри кўрсатиш олиганидир. Таъкидлаш жоизки, юртимизда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш борасида кўрсатилаётган

чора-тадбирлар бўлажак сайловда уларнинг парламент палаталарида салмоқли ўрин эгаллашларига замин яратди. Ҳолбуки, улар давлатимиз ривожига асос соладиган мукамал қонунлар қабул қилишда халқнинг ишонган вакили сифатида ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Кези келганда айтиш жоизки, кўпчилик ўйлаганидек, аёллар сиёсат майдонига тасодифан кириб келмайди. Улар бу майдонда мустаҳкам ўрин эгаллашлари учун сайловда ташвиқотларда фаол иштирок этиши, фуқароларни ўз партияси мафқурасига ишонтириши зарур бўлади. Гувоҳи бўлганимиздек, бу жараён ҳар бир номзод учун осонлик билан кечмайди. Зеро, сайлов имкониятлари, сайлов шартлари барча номзодлар учун баробар.

**Зиёда АШУРОВА**

## НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

**Республика Хотин-қизлар Қўмитаси** қошида ташкил этилган "Зулфия қизлари" клуби фаолиятини кенгайтириш мақсадида Республикада мавжуд барча Олий ўқув юрталари, коллеж, лицейлар ва мактабларда ҳамда Вилоят ва туман хотин-қизлар қўмиталари қошида "Зулфия қизлари" клуби ташкил этилмоқда. Шунингдек, республика Хотин-қизлар Қўмитаси қошидаги "Зулфия қизлари" клуби ўз ҳаракат дастурини ишлаб чиқди. Ушбу ҳаракат дастурининг бажарилишида Хотин-қизлар Қўмиталари, "Зулфияхоним қизлари" клуби, "Қамолот", "Маҳалла" жамғармалари маъсулликни ўз зиммаларига олишади. Мукофот соҳибаси бўлган қизлар иж-

ди ва фаолияти матбуотда кенг ёритилиб борилади. Айни кунларда 2000-2004 йиллардаги "Зулфия" мукофоти соҳибаларининг мониторингини ўтказиш бошлаб юборилди.

**Андижон вилояти.** Шахрихон тумани, «Янги ҳаёт» ширхат хўжалигининг 9-бригадаси дала шийпонидида Республика хотин-қизлар Қўмитаси вакиллари иштирокида пахта-йиғим теримида фаол қатнашиб келаётган хотин-қизлар билан учрашув ўтказилди.

Учрашувда қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган аёлларнинг меҳнат шарафоти, уларнинг ижтимоий фаолликларини ошириш юзасидан ширхат хўжалигида амалга оширилаёт-

ган ишлар, меҳнатқашларнинг иссиқ овқат билан таъминланганлиги, маошларининг вақтида берилаётганлиги хусусида, шунингдек яқинлашиб келаётган сайловлар жараёнида хотин-қизларнинг фаоллигини таъминлаш юзасидан фикр алмашинди.

**Самарқанд вилояти.** Ўзбекистон республикаси Президентининг "Ўзбекистон хотин-қизлар Қўмитаси фаолиятини кўлаб-қувватлаш борасидаги

### Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятидан

кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2004 йил 25 майдаги ПФ-3434-сон Фармони ва ушбу Фармон ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги 2004 йил 29 июнь 299-сон Қарорининг маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий аҳамиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида Каттакўрғон туманида "Аёл ва сиёсий жараён" мавзусида семи-

нар ўтказилди.

**Сирдарё вилояти.** Юртбошимизнинг "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида"ги Фармонининг бажарилиши бўйича Сирдарё вилояти хотин-қизлар Қўмитаси томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. "Маҳалла" жамғармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда Фармоннинг асл моҳиятини омма орасида, айниқса хотин-қизлар ва ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, миллий кадриятларимизга зид, тараққиётимизга тўсиқ бўладиган иллатларга қарши ёшларимиз фикрини шакллантириш мақсадида семинар бўлиб ўтди.

**Н. Йўлдошева.**

# АЁЛ ҲАЁТИДАГИ ЖИДДИЙ ИМТИҲОН



келтирилган. Одатда бу хил беморларга фарзанд кўришни чеклаш тавсия этилади. Бирок у яна тўртинчи марта ҳомиладор бўлган. Ана шу ҳомила Ш.га жуда қимматга тушди. Негаки, бу гал ҳам болани жарроҳлик йўли билан олишга тўғри келди. Аммо, бу сафар беморнинг аҳоли аянчли. Қони таркибида гемоглабин 20-24 фоизга тушиб қолган, боз устига буйрағи ҳам хаста экан. Мураккаб операция муваффақиятли тугади-ю, бечора бемор нақ жаҳаннамнинг оғидан ҳаётга, оиласи ва фарзандлари бағрига қайти-да.

бу хил тақдирга маълум даражада ота-она ҳам сабабчидир. Наҳотки улар ёшлигида қизининг жигари оғришини билишмаган бўлса? Билишгану "э, ўтиб кетади", - дея бепарволик қилиб юрверишган.

**Ш. исми яна бир беморнинг 3 нафар фарзанди бўлиб, уччаласи ҳам жарроҳлик йўли билан дунёга**

ёрилган ёки пешоб халтаси қисилиб, аҳоли жуда оғирлашгандан сўнг бизга мурожаат қилишган. Юқорида таъкидлаганим,

оғир ҳолатдаги беморларнинг барчаси шундай аҳволда келтирилган. Оллоҳга шукри, уларнинг ҳаммаси "хаёт имтиҳони"дан муваффақиятли ўтиб олишди. Ана шундай оғир вазиятлар, мураккаб ҳолатлар бўлмаслиги учун марказимиз ходимлари тасарруфимиздаги Қўшработ, Пахтачи, Нуробод, Пайқариқ, Паст Дарғом ва Самарқанд туманларида ҳар ҳафтада икки уч марта лаб профилактик тадбирлар ўтказишни йўлга қўйишган. Ҳомиладор аёлларнинг ҳар бири комплекс текширувдан ўтказилапти. Дарвоқе, тиббий маданият ҳақида гап кетар экан, аввало оналаримиз қизларига балоғат даври бошланган кунданок, балки ундан ҳам олдинроқ ушбу маданиятдан чуқур сабоқ беришлари лозим. Мактаблардаги хотин-қизлар кенгашлари гинеколог мутахассислар иштирокида қизлар учун маърузалар, савол-жавоблар ташкил этилса, айна мударра бўларди.

Тўғри, туғруқхонада, аникроги гинекология бўлимида қиз боланинг даволаниб ётиши, ўзини билмаган одамлар ўртасида

## Соғлом она-соғлом бола

турли бўлмағур гап-сўзларга сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳақда илгари "Оила ва жамият" газетасида "Туғруқхонада... қиз бола" сарлавхали мақола берилганди. Оғзига кучи етмаган, ғийбатга ўч одамлар қанча гапирса гапираверсин. Лекин қиз бола ҳам йилга 2 марта тиббий кўриқдан ўтиб туриши лозим. Ахир у бўлажак она, келажак авлод яратувчиси. Шу боис марказимиз тасарруфидаги шиғонада қиз болалар учун алоҳида гинекология кабинети ташкил этиб, энг маълум шиғокорни шу ишга масъул қилиб қўйганмиз.

Қиз боланинг жинсий ҳаётига оид чуқурроқ маслаҳатлари учун ишонч телефонлари жорий қилганмиз. Жойларда, ўқув масканларида фақат қизлар билан учрашувлар ўтказиб, у ёки бу касалликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, қолдирадиган асоратлари тўғрисида тушунтиришлар бераёلمиз. Ахир қизларимиз ўз олдларида турган мураккаб "хаёт имтиҳони"га тайёр туришлари зарур.

**Замира АКРАМОВА Самарқанд вилояти туғруқ хизмати бўйича илмий-амалий, услубий марказ директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

## ЭР ВА ХОТИННИНГ УМУМИЙ МУЛКИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)  
"Оила" Кодексининг 27-моддаси — "Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш"

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш эр ва хотиндан бирининг талабига кўра, улар никоҳда бўлган даврда ҳам, никоҳдан ажралшганидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни, улар ўртасида ўзаро келишув асосида бўлиб олиниши уларнинг хоҳиши билан ўзаро битим тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланиши мумкин.

Низо тўғилган ҳолларда эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш суд тартибда амалга оширилади.

Умумий мол-мулкни бўлишда суд эр ва хотиннинг ҳар бирига мулкнинг қайси қисми берилишини аниқлайди. Эр (хотинга) унга қарашли улушдан ошиқ қийматга эга бўлган мол-мулк берилаётган ҳолларда, хотин (эр)га тегишли пул ёки ўзга компенсация белгиланиши мумкин.

Оилавий муносабатлар тугатилганида, суд эр ва хотин алоҳида яшаган даврда орттирган мол-мулкни улардан ҳар бирининг ўз мулки деб топиши мумкин.

Вояга етмаган болалар эҳтижини қондириш учун олинган буюмлар (кийим-бош, пойабзал, мактаб ва спорт жиҳозлари, муסיқа асбоблари, болалар кутубхонаси ва бошқалар) бўлинмайди ҳамда болалар эр ёки хотин билан яшаса, уларга компенсациясиз берилади.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни ҳисобидан ўртадаги вояга етмаган болаларга қўйилган омонатлар ўша болаларга тегишли ҳисобланиб, эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда эътиборга олинмайди.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни улар никоҳда турган даврда бўлинган тақдирда, эр ва хотин мол-мулкнинг бўлинмай қолган қисми, шунингдек, эр ва хотин томонидан улар никоҳда турган даврда орттирилган мол-мулк кейинчалик уларнинг биргаликдаги умумий мулкни ташкил қилади.

Никоҳдан ажралган эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларига нисбатан уч йиллик даъво муддати қўлланилади.

**Р. ХИДИРОВ,**  
Каттақўрғон туманларо фуқаролик ишлари бўйича суд раиси.

## МЕҲНАТКАШ, ЯХШИЛАРДАН СЌЗ ОЧДИК

### ФУВВОЙ ҲАЙВОВЧУ

Бизнинг яшаш жойимизга 109-сонли автобус қатнайди. Ишонасизми, баъзида бекатда соатлаб автобус кутамиз. Бу ҳеч кимга сир эмас. Шунча узоқ кутганимиз майли, тагин айрим ҳайдовчилар ким "ойлик йўл чипталари"ни кўрсатса, пичинг ҳам қилиб қўйишадди. Ахир биз "ойлик йўл чипталари"ни текинга олмаймиз-ку. Баъзилари йўловчиларни умуман менсимайди. Муомала маданияти йўқ. Ахир йўловчилардан кимдир ишдан чарчаб, асаби бузилган ҳолда автобусга чиқади. Бу ҳаётда ҳар қандай вазият бўлиши мумкин-ку. Тўғри ҳамма ҳайдовчилар ҳам ундай эмас. Мирзаев Гофур деган бир ҳайдовчимиз бор. Автобусни жуда яхши бошқаради. Ўз вақтида қатнайди. Барча йўловчиларга бирдек хушмуомалада

бўлади. Гофуржон бошқарган автобусда доимо озодалик, саранжомлик, осойишталик ҳукм суради. Автобусга чиқсангиз кўнглингиз ёришади. Тўғри, автобус оддий, аммо гап унинг марказида ҳам эмас. Автобуснинг тозагили ва ўз вақтида юриши йўловчилар тахсинига сазовор. Гофуржонни барча йўловчилар ўз инисидай ҳурмат қилишади. Мен авваламбор меҳнаткаш, фидойи ҳайдовчи Гофуржоннинг ота-оналарига ўз ташаккуримни изҳор этаман. Барча ҳайдовчилар ҳам Мирзаев Гофуржонга, аввал 109-сонли автобусни ҳайдаган Акмал акага ўхшаган бўлишларини истардим.

**Мунира ХУДОЙБЕРГАН қизи,**  
Тошкент шаҳри.

**Яқинда Самарқанд вилоятида бўлганимизда пахта далаларида терим қизини паллага кирганлигига шохид бўлдик. Ёгин-сочинли, совуқ кунларда "оқ олтин"ни йиғиб-териб олиш барака хирмониға ўз улушини қўйиши мақсад-муддаоси барча-барчанинг дил амрига айланган.**

**- Далада ишловчилар, аиниқса хотин-қизлар иссиқ-совуғи, соғ-омонлигидан хабар олиш, зарур ёрдам кўрсатиш учун мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи тузганмиз,- дейди Каттақўрғон туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулнора Шаронова.**  
Сурагда: Гулнора Шаронова туман марказий касалхонаси бош шиғокори Ҳамза Ҳамроев билан навбатдаги ишлар режасини тузмоқда.  
Одил НУРМАМАТОВ олаи сураг.



## ГАЗЕТА ВАҚТИДА ЕТИБ КЕЛМАЯПТИ

Мен "Оила ва жамият"ни севиб ўқийман. Оилавий ташвишлар, севиғи-муҳаббат, насиҳат, дўстлар дийдори, адашганларнинг топишиши, севишганларнинг орзулари ва турли ҳаётий маслаҳатлар доимий равишда бериб борилиши кишини ҳаяжонлантормасдан қолмайди. Аммо афсуски, бизнинг туманимизга газета ўз вақтида эгаларига етиб бормади. Бу ҳақда Қамаш туман почта алоқа бўлими бошлиғига телефон орқали мурожаат қилганимизда, "Хўп бўлади, бажарамиз", - деган жавоб ола-

### Аран ҳол

ман. Мен нафақадаги одамман. Фақат газета орқали тумандаги, вилоятдаги, республикадаги, дунёдаги ўзгаришларни билиб боришга қизиқаман. Бундан ташқари "Оила ва жамият" газетасини доимий равишда маҳалладошларимга, қўшниларга тарғиб этиб бораман. Газетани ўз вақтида эмас, чоп этилишининг иккинчи ҳафтаси—душанба кунинида олишга кўникиб ҳам қолдим. Аммо, бунга қарангки, газета шу душанба-кунни ҳам келмайдиган бўлиб қолди. Алоқа бўлимидан телефон орқали сўраганимдан кейингина сешанба кун нафақага борган кўшимдан бериб юборишди. Лекин, менга унинг келмай қолган сонларини ҳам қўшиб беришларини талаб қилиб, газетани қайтариб юбордим. Менга газетани ўз вақтида олиб келишмаётганлиги ҳақидаги шикоятимни бошлиқ эътиборга олмасдан, бир йил ичида бирон мартабда чора кўрмади. Буни қандай тушуниш мумкин? Умуман олганда Қамаш туман алоқа бўлими фаолиятини яхшилаш борасида вилоят мутасадди идораси раҳбарлари чоратадбир қўллашармикан?

**Бердимурод ЭШТЌХТАРОВ,**  
Қашқадарё вилояти, Қамаш туман, Ўзбекистон Мустақиллиги кўчаси, 79-уй.



ошпаз, қассобчилик хунарларининг, ганч соладиган уста-ўймакор, лой сувоқ, гул сувоқ каби курувчилик ишларининг моҳир устаси эдилар. Ана шу касб корларни менга ўргатиш баробарида, тарбиямни ҳам шакллантириб борардилар. Китоб ўқишимга, кўчага чиқиб ўйнашимга, уй юмушларини бажаришимга вақтни шу қадар ўрнида тақсимлаб кўярдиларки, менда бироз бўлса ҳам бўш вақт

нон ва қанд-курслар қолар эди, холос.


Бир куни отамдан: "Рамазон пулидан менга ёрдам беринг", - деб сўраганимда қаттиқ гап эшитганим ҳали-ҳали ёдимда. Мени ва набираларни харом ва судхурлик йўли билан топилган пуллардан ҳазар қилишга ўргатар эдилар.

Отам диний назорат идорасига қарашли "Новза" масжидида 6 йил мугавалли бўлиб ишлаб, бир сўм ҳам ойлик олмадилар. Отам ўз меҳнати орқали топган пулидан оилани

Бир куни кечкурун Куръони Каримни ўқиб ўтирган отам менга: "Ўғлим! Фалончи оламдан ўтди, бугун тушимда аён бўлди. Унинг қўли олдига боғланган, қулгогининг орқасида темирнинг изи бор. Ялтироқ пашшалар талаб ётибди", - дедилар.

- Э, ота, энди бу туш-да, унчалик бўлмаса керак, - деб мен ажабландим. Орадан икки кун ўтгандан кейин, ишдан келсам, рафиқам ўғай тоғам номаълум сабаб билан ўлдирилганини, хотини ва бола-чақаларини миршаблар олиб кетганлигини айтди. Орадан уч кун ўтгандан сўнг, тиббий экспертизадан қўшнини

ГАЗЕТХОНЛАРИМИЗ ИЖОДИДАН



Ўзининг ўтқир сюжетли детектив қисса ва ҳикоялари орқали газетхонларимизга яхши таниш бўлган Исмаилулло Йўлдошевнинг асли касби юрист, Самарқанд вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси. Ижодкорнинг "Ҳабиб бўлгин, менга муҳаббат", "Ҳавас", "Бир ҳовуч офтоб", - деб номланган китоблари ўқувчилар ва танқидчилар эътиборига сазовор бўлди.

ОНА ВАТАН

Сен манимсан, бизимсан,  
Энг ёруғ юлдузимсан.  
Фарзандлари сор Ватан,  
Кўкси тоғ, Ойқор Ватан!

Сендан тоғанг тош бўлсин,  
Кўлариди ёш бўлсин.  
Фарибликда бир умр,  
Бардоши талош бўлсин.  
Қатордаги нор Ватан,  
Ўзинг сарбадор Ватан!


Рамзингдир моҳитобон,  
Белда беқасам чопон.  
Сендан ўзинг излайди,  
Жойи хун ҳолда япон.  
Орази асрор Ватан,  
Кўрсатил дийдор Ватан!

Бағринг тарихдир қадим,  
Кўбей-зар тилло қатим.  
Юрагимнинг баёти,  
Келажакка дастхатим.  
Ўзинг номус, ор, Ватан,  
Ҳам суюқ дилдор, Ватан!

Оқаради тоғ юзи,  
Чўлда чўпоннинг изи.  
Қиқираб қулиб келар.  
Кирдан қизгалдоқ қизи.  
Офтоблари бор Ватан,  
Бир парирухсор Ватан!

Чақиндай елар замон,  
Ўтар чин, ўтар ёлгон.  
Минг йилда бир келармиш,  
Элга бош бундай ўлгон.  
Тагинда тулпор Ватан,  
Юртбошинг шунқор Ватан!

Илинжим шул ўзимга,  
Халқим-қора кўзимга.  
Бизлардан озод Ватан,  
Қолсин ўғил-қизимга.  
Қомати чинор Ватан,  
Бир умр пойдор Ватан!



БУ ДУНЁ

Дўсти ёр бор жойда обод бу дунё,  
Ювуқсиз сўз билан барбод бу дунё.  
Гоҳида ютуқсиз омад бу дунё,  
Бу дунё қибласиз бозорга ўхшар.

Гоҳида юрт бузар уч-тўртта дайди,  
Хиёнат комидир овлазан сайди.  
Ноқаслар ҳақ ноҳақ мероси- олтин меросга"га айланажақ.

Чаманда гулларим ёш сўниб борар,  
Тириклик дийдаси тош бўлиб борар.  
Бул кун кўзларимга ёш тўлиб борар,  
Бу дунё қибласиз озорга ўхшар.

Исмаилулло ЙЎЛДОШЕВ

ПОКЛИК  
ФАЗИЛАТИ



САБОҚЛАРИМ

қолмасди.  
Шунга ўрганган эдим. Ҳозиргача ҳам бу одат мени тарк этмаган.

Китоб ўқишга иштиёқим жуда баланд эди. Адабиёт, айниқса жаҳон адабиётини жудам севганим учун, отамнинг ўзлари менга ноёб китобларни топиб берардилар. Ишдан қўлим бўшади дегунча, оёқларим ўз-ўзидан мени кутубхона томон бошлайверарди. Бу иштиёқ-китоб ўқиш, ҳаётни ўқишга ўргатди.

Ҳозирги замонда китоб ўқийдиган боладан кўра, компьютер ўйнайдиганлари кўп. Шуни ҳеч ёддан чиқармаслик керакки, китоб одамда фикрлаш қобилиятини кучайтиради...

Бобомнинг ўғли бўлмаган экан. Шу сабаб, отам уларни-кида ичкүёв бўлиб яшаганлар. Кейинчалик бобом, ўғил туғиб берар, деб бир хотинга никоҳсиз уйланиб, ундан икки ўғил кўрган. Аммо ўша икки ўғил кишиларга ниҳоятда заҳмат етказадиган, ичадиган, ноқобил фарзанд бўлиб ўсишган. Отам уларнинг ёмон ишларидан қаттиқ ранжир, уларни тўғри йўлга солимоқчи бўлардилар. Ҳеч қандай натижа чиқмагач: "Никоҳда ҳам гап кўп. Ҳалоллик яхшиликни етаклайди, нопоклик ёмонликни", - деб кўярдилар.

Отам оддий ишчи бўлишига қарамасдан Куръони Каримни ҳамма порасини ёд билардилар қироат қилиб ўқиш бобида унча-мунча қорилар бас келолмасди. Шунинг учун маҳалламизда ҳамда Тошкент шаҳрида, Қозғистоннинг бизга қўшни юртларида "Исмоил қори" номи билан танишиш жуда хурмат қилишарди.

У кишининг фазилатларидан муҳими-ўта кетган тўғри сўз, ҳақиқатчи, ислом динининг шайдоси эканликлари эди. Рамазон ойи яқинлаша бошлаган вақтдан ифтор қилувчилар отамга Куръони Каримни келган илтимосчилар рад жавобини олардилар.

Отам ифторлик қилмоқчи бўлиб келган кишиларни назорат дини очган қонуний масжидга юбориб, алоҳида дафтарга тикар эдилар. Ифтор куни рўмолча тугунга тугилган пулни ҳам олиб, тўлаб, унинг хужжатини ҳам олиб кўярдилар. Ҳатто, йилган рўмолчалар 50-60 донага етганда уларни сотиб, унинг тушумини ҳам назорат дини масжидига тўлаб, хужжатини тикиб кўярдилар. Бизга ва набираларга тугундаги

боқардилар. Одамларнинг уйларини куриб берарди ёки бошқа ишларни бажарарди. Отам одамлар билан байлашмасдан, шу ишга лойиқ деб берганини олиб, яна астойдил дуо қилар эдилар. Мен: "Ота, қанақасиз ўзи, байлашиб, меҳнатга яраша пул табила қилсангиз бўлмайдими?" - деган саволимга:

- Э, ўғлим, инсон рози бўлиб берган пул ҳалол бўлади, - деб жавоб қайтарган эди. Отам беш вақт намозни қанда қилмас, дин таъқиқланган йиллари жамоага қўшилиб намозни адо этарди.

Менимча, шу поклик, ҳалоллик тухфасидани отамнинг олдиндан айтган гаплари тўғри чиқар эди. Буни мен у киши айтган 4 ҳолатда қўриб ҳайратда қолганман. Мана ўша кароматлар:

1. Институтдан бўш, таътил вақти эди. Ота-бола, бир кишининг уйини алебастр сувоқ қилиб, кеч қоронғуда келаётган эдик. Бизнинг оиламизга ва отамга дилозорлик қилиб юрадиган қўшнисиз бизнинг бор-ҳовлимизда ўтирар эди. Отам менга: "Бу сирни кўр, ана уни дўзах ўтида қуйишини" - дедилар. Мен узоқдан қарасам, кўмирдан ҳам қора инсон олов ўртасида ўтирарди. Уларнинг олдига яқинлашганимизда эса бу ҳол кўринмади.

2. Ёз вақти. Бир одам отамнинг дилини ноҳақ оғритиб чиқиб кетди. Отам орқасидан табассум қилиб қолдилар. Орадан бир соғия ўтар-ўтмас у одам: "Шоҳли ҳўқиз қувлаб келаяпти" - деб бақириб уйимизга қайтиб келиб, отамдан уэр сўради.

3. Девордармиён қўшни ҳовлида яшайдиган онамнинг ўғай укалари (ота бир, она бошқа) бўларди. У киши кўпинча спиртли ичимликлар ичиб олиб, дилозорлик қиларди. Мен отамга бирор чорасини кўрайлик, десам: "Э, ўғлим, биров сенга ёмонлик қилса, сен унга яхшилик қил, унга қандай жазо беришликни Оллоҳ таолонинг ўзи биллади", - дедилар.

уйига олиб боришга тўғри келди. Майитни таниш учун кирганимда, отам айтганларидек, майитнинг орқа қалла суягида темир изи бўлиб, қўллари олдинга боғланган. Уни беҳисоб ялтироқ пашшалар талаб ётарди.

4. Катта набиралари-меним кизим тўй бўлишига 2 кун қолганда отамнинг соғликлари ёмонлашиб қолди. Шунда улар мени ёнларига чақириб, - "Набирамнинг тўйини ўтказиб юбор, мен яна икки кунга чидайман", дедилар. Тўй ўтганига икки кун бўлганида, отам ҳаммамиз билан видолашиб, уч бармоқларини кўрсатдилар. Шунда соат 17.00 эди, 20.00 да эса фоний дунёни тарк этди. Пайшанба куни жанозага ҳаддан ташқари кўп одам қўпланди. Уч кун эшигимиздан одам аримади, улар ичида мен билмаган ва кўрмаган одамлар кўп эди.

Аллоҳ субхонаху ва таоло у кишига жаннатнинг тўридан жой ато қилган бўлса ажаб эмас. Омин.

Юрагимга жо этиб олган отамнинг, онамнинг ўғитлари ҳар ишда менга дастуриламал. Фарзандларим ҳам ана шу одоб-ахлоқ мероси билан қамол топишди.

"Олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасми", - деган ҳикматли сўзларни шарҳлашнинг ҳожаги йўқ. Кимки отани, онани рози қилиб, дилини оғритмай ҳамиша уларга эътиборли бўлиб турса, ўзи ҳам эл орасида эътибор топади, албатта. Бошингизга ғам тушганда, қулфат тушганда отангизни, онангизни қумсаб қоласиз. Беихтиёр бирор ерингизни бир нарсага уриб олсангиз, ёшингиз 70 да бўлса ҳам: "Вой, онажон", дейсиз. Ҳанимат ота-онамиз меҳри бизга ҳамиша бизга мададкор. Уларни яхши-ёмон кунларда хотирлаб туриш, фарзандлик бурчимиз.

Ҳозирги замон ёшлари билим олишга, маърифатга чанқоқ, иштиёқи баланд. Уларга инсоний фазилатларни қолдирсак, фарзандимизга ибрат бўладиган умр кечирсак, биздан қоладиган тарбия, одоб-ахлоқ мероси-"олтин меросга"га айланажақ.

Эргаш САЛИМОВ,  
Олий тоифали врач-аллерголог, дунё игна билан даволаш кўмитаси "ICSMART"нинг ҳақиқий аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Ота-онам ўн бир нафар фарзанд кўришиб, улардан ўнтаси 2-3 ёшга етар-етмас, хасталаниб вафот этишган. Мен уларнинг ёлғиз қувончи бўлиб қолдим. Шундай бўлсада, отам мени эркалаб, авайлаб ўстирганлари йўқ. Ховлимиз Тошкентнинг Эски шаҳар маҳалласида эди. Турли гуллару, ҳар-хил мевали дарахтлари бор боғимизда баҳордан то қишгача, отам билан боғ юмушларини бажарардик. Табиатга, ўсимликлар оламига, қушларга меҳрим ўша пайтларда бошланган. "Қуш уясида кўрганни қилади", деганларидек, отамнинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир гапи, ҳатто қарашларидаги маънони ҳам ўрганганим, уларни такрорлашга ҳаракат қилардим. Чунки, отам илм-маърифатли билимдон киши эдилар. Мана ҳозир ҳаётда кўп нарсага эришган, кўп нарсани ўрганган бўлсам-да, отамдан қолган ҳаётий сабоқларим-менинг энг катта бойлигим, хазинамга айланган.

- Ёдингда бўлсин, ҳаммиша "Ассалому алайкум" деб тўлиқ салом беришга ўрган. Салом бериш ҳам кишига зийнат", - деган илб сабоқлари, орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, ҳозиргина айтилаётгандак... Яна бир қулгомига қўйган ўғитлари: "Катта одам гапирганда ҳеч қачон кўзига тик қарама", - деган сўзлари эди. Отамнинг бу сўзларини болаларимга ҳам ўргатганман. Отам ислом илмининг ҳам билимдон эдилар. Ислом дини замирида чуқур тарбиявий омиллар ётганини, бу омиллар кишини фақат юксак қомиллик сари етаклашини ўргатардилар. Му-сулмончиликда таълим-тарбия куччилигини кўп таъкидлардилар. Яъни, "Ҳамиша дилинг ва танинг пок, ниятинг холис бўлсин, шунда яхшилик ва эзгулик бир умр йўлдошинг бўлади", деган гапларни доим такрорлардилар.

"Дарҳақтинг ҳам жони бор. Уни синдирма, озорланади". "Ариқча зинҳор тулпурма, чунки сув-оби ҳаёт. У ҳамма нарсани поклайди", - деб, табиатга бўлган муҳаббатини қон-қонимга сингдириб юборгандилар. Дарҳақиқат, авваллари ариқдан сув олиб ичардик, ҳамма нарсага шу сувдан фойдаланардик. Аммо аллергик касалликлар бўлмасди, шу сабаб аллерголок врачга эҳтиёж йўқ эди. "Бир йигитга етмиш нуҳор оз", - деган нақлнинг нечоғли тўғрилигини отам тимсолида кўрганман. Отам заргар,

- Сешанба куни эрталаб соат 10 ларда эшик очилиб тахририятга Каримжон исмли киши кириб келди. -Касбим ҳуқуқшунос. Ҳаётда турфа хил тақдир эгаларининг ишларини кўрдим. Аммо, ўз ҳаётимда қилган бир хатоимни тўғрилашга йўл тополмаяман. 1985 йил Тошкент Давлат юридик факултетининг талабаси бўлдим. Мен ўқиган мактабда чет тили фани ўқитилмаганди. Олийгоҳда француз тилини ўқишга тўри келди. Дастлаб жуда қийналдим. Бошқа фанлардан аъло ўқисам-да, француз тилини билмаганимдан жуда уялардим. Талабалар мени ҳурмат қилишар, мен ғуруҳ бошлиғи эдим. Бир куни таниш қизлардан бири: "Бизнинг курсда Дилдор исмли қиз бор, француз тилини зўр билади. Илтимос қилсангиз сизга ўргатиши мумкин", - деди. Орадан икки ҳафта ўтганидан сўнг Дилдор билан яхшироқ танишиш мақсадида унинг хонасига бордим. У мени илиқ кутиб олди. Мақсадимни айтганим, ёрдам беришга рози бўлди. Шу тариха у билан ака-синглидек бўлиб кетдик. Француз тилини ўзлаштиришимда мендан ўз ёрдамини аямади. 1986 йил май ойлари эди. Дилдор онаси билан холаси "Ботаника" санаториясида дам олишгаётганини айтиб, уларни бирга кўриб келишимизни илтимос қилди. У мени онаси ва холасига, «Бирга ўқиймиз», - деб таништирди. Санаториядан қайтгач машинада унинг уйи учун жиҳозлар сотиб олгани бозорга тушди. Биз шу даражада яқинлашиб кетдикки, ҳатто дарс тайёрлаб бўлгач, Дилдорнинг уйида ётиб ҳам қолардим. Машинам эса унинг гаражиде турарди. Дилдорнинг ота-онаси катта лавозимда ишлагани

учун ўқишга доим таксида бориб келар, курсдош қизлар билан ҳам кўп гаплашармасди. Лекин самимий, қадрқимматини яхши биладиган, одобли қиз эди. Мен ҳам уни устоз сифатида жуда ҳурмат қилардим.

**-Йигит билан қиз ўртасида чункам дўстлик бўлиши ҳам мумкин**

# Ўғлимдан айрилдим

экан-да?

Дастлаб мен ҳам шундай фикрда юрардим. Лекин бир воқеа сабаб дўстлигимизга нуқта қўйилди. 1987 йилнинг май ойлари эди. Дилдор уйдағилари чакираётганини, шу баҳона қишлоққа бориб 3-4 кун дам олиб келишини айтди. Мен уни Тошкент тайёрагоҳидан кузатиб кўйдим. Аммо, у эртаси куни кечга яқин қайтиб келибди. Дарсдан сўнг болалар боғчасида боғбон бўлиб ишлардим. Ишдан кейин Дилдорнинг олдига бордим. У дастурхон бебаб, ҳатто спиртли ичимликлар ҳам кўйиб қўйибди. -Мехмон келадими? -деб сўрадим. Ҳа, деди. Ким? -деб сўрасам, «Мехмон келиб бўлди, бу сиз», -деди. Хайрон бўлдим. Чунки, Дилдор ҳам, мен ҳам спиртли ичимлик ичмасдик. Бир пайт у менинг бўйнимга осилиб йиғлаб юборди. Нима бўлди? десам, уйдағилар мени турмушга беришмоқчи. Куёв дадамни турмушнинг ўғли, гиёҳванд бола. Мен у билан яшолмайман. Аммо, дадам қўймапти, деди. Тақдирдан норозилигини билдирди. Ушбу кунни биз бирга ўтказдик. Шу тариха орамиздаги дўстликка нуқта қўйилиб, унинг ўрнини севги эгаллади. Шундан кейин Дилдор анча ўзгарди. Дарсларга қатнашмай кўйди. Бир

куни хонамда дарс тайёрлаб ўтирсам, Дилдор келиб, бўйнимга осилиб йиғлади. У ҳомиладор эди. Қорнидаги беш ойлик ҳомиласидан воз кечса бир умр бефарзанд бўлиб қолишини айтди. Уни юпатиб уйига олиб бориб кўйдим. Уйга бориб хотинимга бошимдан ўтган воқеаларни айтиб бердим. Аввалига у жанжал-тўпалон қилди.

Сўнг, "Маيلي бу иш сирлигича қолсин. Йўқса оиламиз шаънига доғ тушарди".

дея у нафар қизимизнинг тақдирини ўйлаб Дилдорнинг боласини боқишга рози эканлигини билдирди. Режамизни Дилдорга айтдим. У рози бўлди.

**-Нахотки Дилдордаги ўзгаришни на дугоналари, на оиласидагилар сезишмаган бўлса?**

Бунинг ҳам режасини тузиб қўйгандик. Сентбройнинг 20 кунидан бошлаб талабалар пахта йиғим теримига йўл оладиган бўлишди. Улар кетгач биз Дилдор иккимиз пахта мавсуми туғаланича ижара уйда беркиниб яшадик. Ниҳоят Дилдорнинг кўзи ёриди. Мен ўғили бўлдим. Узимни уч нафар қизларим бўлиб, ўғлим бўлишини жуда-жуда истардим. Ўғлимнинг исмини, «Умид» деб қўйдик. Хотиним иккимиз Дилдорни туғруқхонадан олиб чиқдик. Шу тариха бола бизнинг номимизга ҳужжатлаштирилиб, тарбиямизда қолдирилди. Биз уни уч ёшга киргунича Тошкентда тарбияладик. Бу вақт ичида Дилдор ота-онаси айтган йигитга турмушга чиқди. Афсуски, турмуш

ўртоғи автохалокатга учради. Дилдор қизчаси билан бева қолди. Маъракаларни ўтказгач, ота-онасиникига қайтиб келди. Дилдор суд ижроси бўлиб ишларди. Уччаламиз болани келажакда безовта қилмаслик учун келишиб олгандик. Аммо, Дилдор шартномани бузди. Мен йўқлигимда уйимизга келиб ўғлини кўриб кета бошлади. Кейинчалик болани унга қайтариб беришимизни сўраб ёлворди. Хотиним билан ўғлим қишлоққа борганида Дилдор ота-оналаримизни йиғиб, Умиджонни унга олиб беришларини, бошқа турмушга чиқмай шу болани тарбиялашни ялиниб-ёлвориб сўрабди. Ота-онамнинг қорак-бағрини эзиб, менинг розилигимсиз болани ўзиники қилиб олди. Биз учун Умиджондан айрилиш оғир бўлса-да, лекин, барчасига чидадик. У онаси билан бирга яшамоқда. Ҳозир Умиджон 16 ёшда. Балки, Дилдор унга мен ҳақимда айтиб бергандир. Йиллар ўтиб ўғлим ҳам бу воқеаларни тушунармикан? **Каримжон ака! Инсон бу дунёда яшар экан, хато қилмай илжани йўқ. Аммо ана шу хатоларни тан олиш ҳам жасоратга кирарди. Сиз ўғлим ёнимда эмас, деб ўқинманг. У қаерда яшамасин, қаерда бўлмасин томирларида сизнинг қонингиз оқаяпти-ку. Эҳтимол, Умиджон ақлли, қоним инсон бўлиб улғаяр? Шунда унга ҳаммасини айтиб беришингиз мумкин. Ҳайлайманки, ўшанда у сизни тушунади, кечиради. Изтиробларингиз ўрнини қувонч, шукроналик ҳислари эгаллайди? Ҳозирча эса умид билан яшаганингиз маъқул.**

Нигора Йўлдошева

## ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

- Асли Қозоғистоннинг Сайрам туманиданман. Мен ўша туманда чиқадиган "Сайрам садоси" газетасида «Оила ва жамият»дан кўчириб босилган мақолаларни кўп ўқиганман.

Мен бўлсам: - Болам, унда нимага бундай озиб кетгансан? - дердим.

- «Қайнонам ётиб қолган, икки боламнинг хар-хашаси... Мактабда ҳам ишлайман, сира дам

- Ҳали айтганимдек, куёв Наргизани урмасди, сўкмасди, тогганини уйга сарфларди. Лекин, менимча бир инсон, бир аёл сифатида хотини билан иши бўлмаган. Чиндан ҳам уларнинг уй-жойлари ҳамамадли эди.

Уларни супуриш-сидириш, ётиб қолган қайнонасини ювиб-тозалаш, оралаш...Туни билан бир-биридан ёш, айниқса бешиқдаги боласининг хархашаси билан ухлагача ҳам вақти бўлмаган. Эрталаб эса иккита сипирини соғиб, сутини сотиш, келиб болаларини овқатини бериш, яна овқат қилиш... Бунинг устига кун ора келадиган еттига қайнэгачиларнинг олдида дастурхон ёзиш ҳам юмуш-ку!

Шунча ишлари билан бирга у мактабда хар ҳафтасига икки-кунми, уч кунми дарс ҳам берар экан. Эмизлик болаласини эса бизнинг уйдагиларга қолдириб кетаркан. Бир куни

олишга вақтим йўқ, -дерди. Орадан йиллар ўтди. Тўрт фарзандли ҳам бўлишди. Айни Наврўз байрами куни уйимизга, "Наргиза ўзини осиб қўйибди", деган мудҳиш хабар келди...

**- Бунга бирор сабаб бўлган деб ўйлайсизми?...**

- Очиғини айтсам, уриб-сўкмаган, рўзгорини ҳеч нарсадан кам қилмаган қувёмизини айблаб олмаймаю, лекин, баъзи воқеалар...

**- Сир бўлмаса қандай воқеалар эди?...**

мажболи қолмаганлигини, озиб-тўзиб бир аҳволда бўлиб қолганини кўриб раҳимим келди. Ахир менинг уйимда яшаганида жуда чиройли, кўнрақдек қиз эди-да. Ётиб қолган онасини кўргани келган қизлар ҳам уни турткилаган бўлса ажаб эмас. Бир марта: "Фалончи онам келса бирам хурсанд бўлиб кетаман. Чунки у анчагина ишларимга ёрдам беради. Сал бўлса ҳам дадимни оламан", - деганди. Ўша машъум кундан бир кун олдин қувёмиз дўстлари билан ўтиришмоқчи бўлишибди. Ҳаммаси хотинлари билан келишлари керак экан. У ҳам Наргизани олиб бормоқчи бўлибди. Нима гап бўлса қайнонаси билан бўлган. У жавоб бермаган. Лекин куёв: «Мен дўстларимнинг олдида бир ўзим қандай бораман? Боради. Ишларини кейин ҳам келиб қилаверади», - деган экан. Чунки, Наргиза билан бирон жойга болаларини олиб меҳмондорчиликларга боришмаган. Наргиза шўрлик суюниб янги қўйлак олибди. Шу куни ўтиришга бориб келишибди. Менинг назаримда ўтиришга бориб келган Наргиза хурсанд бўлиши керак эди. Лекин эртасига у жонига қасд қилган. Нега? Шунчалик алам ўтгандирки, ҳатто, беш ойлик ширингина ўғилчаси ҳам кўзига қўрнмаган.

Мен дафн маросимда, кейинги маъракаларида бўлганимда, ётиб қолган кампир қайта-қайта айтаётган сўзларини эшитдим.

**- У нима деди?**  
- Кампир, «Э, худо! Боламнинг олдида юзи қаро бўлдим-а!» дея йиғларди. Шунда кўнглимда: «Буларнинг орасида нимадир бўлган», - деган ўй ўтганди.

Наргизанинг ёш жони увол кетди. Болалари ҳам бир куни катта бўлишди. Аммо... Уларнинг

бошига ким билади нималар тушади? Ахир айтиб бўлмайди-да, буни ҳаёт дейдилар.

**-Қувёмиз тўрт боласи билан қийналаётгандир?**

- Қийналиб изтироб чекаятти, дея олмайман. Чунки хотинининг маъракасини ўтказгандан кейин турмушга чиқмаган синфдошга уйланди. Янги чет эл машинаси олди, уларини таъмирлатаятти. Лекин, тўрт фарзандига онасининг меҳрини топиб бера олармикан? Наргиза тўрт боласи билан рўзгорнинг барча ташвишини ўз бўйига олиб, кеча-ю кундузи сизлашди. Қайнонаси билан орасида гап ўтса, эри ҳам бир оғиз ширин сўзини дариг тутмаслиги керакмиди? Ахир яхши гап унинг кўнглини кўтарган бўлармиди? Қайнонаси уришганида эри ҳам у билан яхши муомалада бўлмагандир? Наргизанинг ўлимидан кейин беш ой ўтар-ўтмас қайнонаси ҳам вафот этди. Мен бу гаплар билан қувёмга таъна ёки даво қилмоқчи эмасман. Лекин, ёш болалар ва рўзгор юмушлари билан қумилиб қолган аёлга ҳам озгина меҳр-муруват қўрсатиш керакмиди, дейман-да. Эҳтимол, бечора йиллар давомида эрининг бир оғизгина ширин сўзига, меҳрига интиқ бўлгандир? Ундан маънавий мадад кутгандир? Айтишларича эрининг ширин сўзидан, меҳридан баҳраманд бўлган аёл тоғни ағдариб ташлашга ҳам қодир бўлар экан. Севимли эрининг лоқайдлиги ҳам уни дунёдан тўйдиргандир? Ахир катта рўзгорнинг ташвишини тортиш, юмушини бажариш унинг ушоқдеккина жонига жабр бўлмадикан?

БАСИРА САЙДАЛИЕВА

# ЭРИНИНГ МЕҲРИГА ЗОР БЎЛДИМИКАН?

Бир йилдирки қалбимни бир армон, алам кемиради. Айтай десам тилим, айтмай десам дилим кудайгандек туюлади, -дея гап бошлади тушга яқин тахририятга кириб келган Фарҳод исмли киши.

**- Сизни қай муаммо бизга бошлаб келди?**

- Ҳозир Тошкентда яшайман. Шу ерда ўқидим, ишга қолдим. Кейинча тик акамнинг икки нафар қизи бизникида яшаб ўқишди. Кичиги жуда яхши қиз эди. Уни ёшлиғидан яхши кўрардим. Худди қизимдек бўлиб қолганди. Аввал каттасини, кейин ўша қиз, Наргизани узатдик.

**- Уларни ўз севган инсонларига узатдингларми ёки...**

- Севган йигитлари бор эдимми йўқми, билмайман. Аммо, Наргизани кеннойим ўз қариндошларига узатганди. Яхши, бадавлат оила, деб ўйлаганди. Чиндан ҳам шундаймида, билмадим... Наргизанинг бешта қуйнэгачилари бор экан. Баъзан ота-онамни кўриш учун Сайрамга борганимда уни кўриб қолардим.

- Куёв қалай, яхшими? Муомаласи дурустми? - деб сўрардим. Унинг кўзлари ҳаратга тўла бўлса-да. «У яхши йигит. Урмайди-сўкмайди. Пулларини бир тийингача қолдирмай олиб келиб қўлимга беради», - дерди.



унинг мактабдан келишини кутиб дастурхон ёзиб ўтиргандик, келиб қолди. Уни кўриб сўрашдим-да: "Кел, Наргиза, бирпас чой ичиб гаплашиб ўтирамиз. Ахир сени кўрмаганимга ҳам анча бўлди", - дедим. У эса: "Жон деб сиз билан гаплашиб ўтирардим-а, аммо, далага экан нўхатимизни чопиқ қилишим керак. Яна қайнонамни ҳам овқатланяшим зарур. Болаларим ҳам оч қолгандир" - деди-да, 10 дақиқа ўтирар-ўтирмас боласини кўтариб кетиб қолди. Шунда унинг гапиришга ҳам

Севимли газетамизни кўп йиллардан бери ўқиб келаман. Газета саҳифаларида чоп этилаётган дард алам ва изтиробга тўла муҳаббат, оқибатсиз сеvgи, кайнона ва келин муаммолари, қариндош-уруғ муносабатлари хусусидаги, фарзандига, сеvimли ёрига садокат, устозларига хурмат мавзусида ёзилган материаллари ўқиб узоқ ўйга толаман, чунки бу ҳаётий воқеалар менга танишдай туюлади. Қаламга олинган баъзи воқеаларни ўз бошимдан ҳам кечирганман. Чунончи, газетамизни учта сониде эълон қилинган самарқандлик Баҳром Истамқуловнинг ҳаётий лавҳаларини ўқиб менинг уйқум қочди, ёшлигим эсга тушди.

Менинг тақдиримга ўхшаш тақдирлар ҳам бор экан-да, деган ҳаёл билан Баҳром-жоннинг мақолаларига жавоб ҳам ёзмоқчи бўлиб 2-3 бет қоралаган эдим. Кутилмаганда янгийўллик мураллиф Малоҳатхон Холбоевнинг лавҳасига қўзим тушиб қолди.

Ўзлари ҳали турмуш қурмасдан туриб, "Эркаклардан кўнгли қолган" иқтисодий жиҳатдан "Ўзини-ўзи тўла таъминлай оладиган", "бола керак бўлса топиб оладиган", "бозорда ишлайдиган" Муҳаббатхонга икки оғиз жавоб ёғгим келиб қолди.

Муҳаббатхон, қизим! Халқимизда, "Уйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир", деган мақол бор. Сиз жуда тор, "Янгийўл бозори" доирасида фикр юритгансиз. Сиз таниган одамлар орасида 1-2 нафар "боқиманда", "текинхўр"лар бўлса, бордир. Уларни кўриб, "Эркаклардан кўнглим қолган", деган бўлсангиз керак.

Шуни билингки "Оила ва жамият"нинг миллионлаб ўқувчилари бор бўлиб, кўпчилиги 20-40 ёшли йигитлар. Улар меҳнатқаш, мард, оиласи, Ватани учун жонини ҳам аяшмайди. Улар чегараларимизни, осмонимизни душмандан қўриқлапти. Ангрена, Олмаликда, Навоийда кўмир ва олтин, Қашқадарёда эса нефтни қайта ишлашяпти, Бекободда пўлат эритишяпти, Андижоннинг Асака шаҳрида турли маркада ёнгил машина ишлаб чиқаришяпти. Шаҳарлардаги ажойиб қурилишлар, йўллар ва кўприкларни ким бунёд этяпти? Шу "боқиманда" ўзбек йигитларими? Уларнинг меҳнати бозорда ўтириб савдо қилишдан кўп марта оғир эканлигини биласизми? Бу инсонлар га-

зетада ўзбек йигитларига берган таърифингизни ўқиб, сизга раҳмат айтмаса керак.

Кечирасиз-у тор доирада фикр юритасиз, шекилли. Агар сиз кенгроқ доирада мулоҳаза

# ҚИЗИМ, ЁЛҒИЗЛИКНИ ШАҲЛАМАН

керак эди-да. Бу сиёсат миллатимиз учун жуда киммагга тушди. Арзимаган пул учун ишлаган аёл далада, жазирама иссиқда, қаҳратон совуқда аёллик малоҳатини, гўзаллигини йўқотди, эрини менсимайдиган, унга гап қайтарадиган бўлди. Нега деганда аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқли эди-да. Тенгҳуқуқлик эса "бозорда ишлайдиган" Муҳаббатхон сингари аёлларнинг тилини ботир, андишасиз, бетга чопар қилиб қўйди.



бариятимиз асосий эътиборини тинчликни сақлаб қолиш, чегарамизни мустақамлаш, мудофаа соҳасига қаратаётганини, иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан ёш авлоднинг тарбиялашга миллиардлаб пул сарфланаётганини, давлат бюджетининг бутун маблаг ижтимоий соҳага сарфланаётганини билардингиз, тушунардингиз.

Тўғри, ҳозир иқтисодий қийинчилик. Лекин Ўзбекистон келажакда Америка, Япония, Хитой каби давлатлардек иқтисодий баркамол бўлади, бунга имоним комил. Ахир Америка буюк давлат бўлиши учун 380 йил, Япония учун 50 йил, Хитой учун 40 йил керак бўлганлиги мактаб ўқувчисига ҳам маълум-ку!

Ҳозирги иқтисодий қийинчилик бу вақтинча. Ўзбек миллатидек меҳнатқаш халқ, ўзбек йигитидек мард инсон йўқ бу дунёда. Бу буюк миллатнинг эркакларини "уй қизига" чиқаришга, уларни "текинхўр", "боқиманда", деб ҳақорат қилишга сизнинг ҳаққингиз йўқ. Ўзбек миллиати вужудга келгандан буён оила таъминоти эркак зиммасида. Бу теурийлар даврида ҳам, кейинги хонлиқлар даврида ҳам шундай бўлган. Эркакнинг 3 та хотини бўлса ҳам оиласини таъминлаган. Аёл кўча юзини кўрмаган. Фақат "қизил шўро-

лар" даврида хотин-қизлар "озод" этилиб, завод ва фабрикага, колхоз ва совхозларга ишга жалб этилди. "Шўро"ларга арзон ишчи кучи

Мухаббатхон! Сизни ишонтириб айтаманки, оиласини бекам-кўст таъминлайдиган, меҳнатқаш эркаклар бахтимизга жуда кўп. Мисолни ўз маҳалламдан келтирмоқчиман: Мирзо Улугбек туманига қарашли Окқўрғон маҳалласида яшайман. Маҳалламизда 23 та кўча, 52 та "дом" бор. Аҳолиси 8 минг. Лекин, бу маҳаллада сиз ўйлагандек ўзи уйда телевизор кўриб, аёлини бозорга чқариб қўйган эркакни танимайман. Унақаси йўқ. Тўғри, эркакнинг топанни ҳозир рўзгордан ортмайди. Ишлаётган аёлларнинг топанни ўзининг ўсма-сурмасидан ортмайди. Ўзбекининг ейиш-ичишдан бошқа ташвиши кўп. Уй қуриш, вояга етган қизини узатиш, ўглини уйлантириш, кейин невараларнинг суннат тўйи. Орзу-хавасинг чеки йўқ. Шунинг учун баъзи аёлларимиз ўғил-қизлари вояга етгач, эрига ёрдам сифатида рўзгор учун эмас, балки тезроқ орзу-хаваас қилиш-қувё қилиш, ўғил уйлантириш учун бозорга чиқаришга мажбур. Булар бизнинг маҳаллада жуда кам бўлса-да, бор.

Курюқ бўлмаслиги учун бирикки мисол айтмай. Менинг синфдош дўстим Акбар Усмонов 65 ёшда. Ас-

нада ишламадилар. Қодирбек домла диёнатли инсон эди. Талабалар ҳаққига хиёнат қилмадилар. Диссертация ёқлагунча икки жойда - Ирригация институтида, Мелиорация техникумида дарс бердилар. Жойликка ҳавас қилмаган. Уй жойҳозлари оддий эди. Доцент бўлса ҳам участкасининг тунжа тоmidан бошқасини ўзи бахарди. Боқувчисини йўқотган, бева, ночор оилаларнинг дераза-эшикларини, тахта-полларини қоқиб берганларини ўз кўзим билан кўрганман.

Энди мақсадга яқинроқ келиб, Янгийўл одамлари ҳақида гаплашайлик. Улар ишбилармон, меҳнатқаш, қўли гул хунарманд, юқори ҳосил усталари... Меҳнат қаҳрамонлари Ҳамроқул ота Турсунқулов, Йигитали Жўраев, Янгийўл шаҳар ижрокўми раиси Маҳмуджон Мўйдинов... Янгийўл ўнлаб қаҳрамонларни тарбиялади. Улар билан гурурланади. Тўғри, улар кекса авлод вакиллари. Аминманки, улар ишининг да-

трономия институтида директор ўринбосари бўлиб ишлайди. 1 нафар ўғли, 5 нафар қизи бор. Ҳаммасидан қутулган, уйли-жойли. Шу одам қачон ухлар экан, деб ҳайрон бўламан. Бомдодга чақириб борсам, эрталабки соат 4,5-5да ё тандирга олов ёқаётган, ёки кулини олаётган, ёки ҳовлида гулларга сув тараётган бўлади. Дўкон очилиши билан невалари учун сутга чоплади. Бозор-ўчарни ўзи қилади. Хотини уй бекаси. Соат 9 да ишда бўлади. Соат 18да маҳалла оқсоқоли сифатида "Отахонлар чойхонаси"да маҳалла аҳолисининг арз-додига кулоқ тутати. Биров тўй қилмоқчи, биров азадор - маслаҳатга келади. Ёшлар ўртасида қўйди-чиқди, қайнона-келин муаммоларини ҳал қилиш керак. Кеч соат 11 да уйга келади... Сиз айтгандай ётиб олиб телевизор кўриш қаёқда? Иккинчи мисол: Қодирбек Ҳакимов II жаҳон урушида бир қўлидан яраланиб қайтди. Шу ахволда колхозда кетмон чопди. Институтни тугатди. Шу институтга домла қилиб олиб қолишди. Уйланди. Етти нафар фарзанд-3 ўғил, 4 қизни тарбиялади. Ҳаммаси олий маълумотли. Каттаси Асомбек техника фанлари номзоди. Кеннойим бир кун ҳам корхо-

вомчилари ҳам топилади. Аммо, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, Янгийўлда ҳам сиз айтгандек, боқиманда йигитлар бўлса-бордир. Уларнинг 1-2 нафарини сиз танийсиз ҳам дейлик. Шуларни кўриб яхши ният билан сотиб олинган чет эл мебелини дўконга топшириб, меҳрибон онангизга "Мен эрга тегмайман, кувё қидириб овора бўлманг", - деб кўнглини ўқситдингизми? Ота-онанинг хоҳишига қарши бориш, уларнинг кўнглини оғритиш катта гуноҳ, қизим. Инсон кўнглини оғритиш катбага қараб тош отишдан ҳам каттароқ жиноятдир, деб ёзган экан ҳазрат Навоий. Буни худо ҳам кечирмайди. "Оллоҳ барча тирик мавжудотни жуфт-жуфт яратган. Ёлғизлик фақат худого хос", дейишди уламоларимиз. Илмий нуқта-назардан эса жуфтлик табиат қонуни, табиат ва жамият ривожининг муҳим шартидир. Инсон томонидан жуфтлик қонуни бузилса, авлодлар давомчилигига пугур етади. Бу гаплар сизга таниш бўлса керак... Жуфтлик қонунига қарши боришга маслаҳат бермайман.

«Ўз ота-онам туриб, менга маслаҳат бераётган бу одам ким экан?» - деб ўйлаётгандирсиз. Менинг ёшим 67да. 35 йил олий ўқув юртлирида талабаларга дарс бердим. Талаба қизларини ўз қизимдай кўраман. Шунинг учун 5 йил институтда, 3 йил аспирантурада ўқиб вақтинги ўтказиб юборган 5-6 нафар "ўтириб қолган" гўзал қизларнинг кейин пушаймон бўлганларини кўриб, эшитиб жуда уларга ачинганман. Ачинмай бўладими? Ахир талабалик йилларида бу гўзал қизларга ошику-беқарор йигитларни ҳам ўзим ўқитганман, танийман-да. Бу қизлар ҳозир фан номзоди, институт домласи, лекин ёлғиз...

Қизим Муҳаббатхон, сиз вақтни ўтказмай ота-онанингизни қўйнамай, укаларингизнинг ҳам умрини ўтказмай, бирорта йигитга кўнгли беринг. Ишонинг, яхши йигитлар, Янгийўлда ҳам, Тошкентда ҳам кўп. Ёлғизликни танламанг.

Ёлғизлик ёмон, қизим. Тўғри, ҳозир ота-онангиз ҳаёт. Укаларингиз бор экан. Ҳаммамиз бу дунёга меҳмонимиз. Ота-онангизга худо узоқ-умр ато қилган бўлсин. Лекин йиллар ўтади, ота-она бу дунёни тарк этар, укаларингиз уйли-жойли бўлиб алоҳида яшагандан кейин ёлғизлик нима эканлигини тушуниб оласиз. Аммо унда жуда кеч бўлади.

**Охунжон БЕГМАТОВ,**  
Тошкент шаҳри.

**"Юрагин бунча муз, синглим!" 41-сон**

**ЭСЛАТМА:** Опоқимнинг Муҳаббат исмига қиз, "Текинхўр, боқиманда эркакни бошимга ураманми? Ҳозир эркаклар эмас, аёллар оила боқапоти. Мен ўзимни таъминлай оламан", деса турмушга чиқини устамай хафа қилади. Наҳотки ҳамма эркаклар Муҳаббат ўйлагандек бўлса? Ахир мард, диёнатли, ишбилармон эркаклар ҳам кўп-ку!

**Малоҳат ХОЛБОВА,** Янгийўл шаҳри.



Синглим Муҳаббат! Қаранг исмингиз қанчалар гўзал, дунёдаги энг муқаддас, таърифига сўз ожиз ҳис билан аталар экану, нима учун сизнинг юрагингизда унга ўрин йўқ? Биласизми, беш қўл баробар эмас. Турмуш қийинчиликлари эркакнинг ҳам, аёлнинг ҳам бардошини бирдек синайди.

бешафқат. Аммо, барибир яшаш завқи устун туради. Сиз, "ўзим учун яшайман, бола асраб оламан", - деган ноҳўя фикрни миянгиздан чиқариб ташланг. Ўзингиз синаб, қузатган, синашга йигит билан учрашиб турмуш қуринг. Ҳар бир қизга насиб этмиш келинчилик сизга ҳам насиб этсин. Ширин орзулар оғушида гўзал, лобар, ўзбегимнинг ораста, ибод ва ҳаёда ибратли келинларидан бири

бўлинг. Кўпроқ китоб ўқинг, илмга чанқоқ инсонлар билан дўстлашинг. Фақат бозордаги аёлларга эмас, бошқа аёлларга ҳам осон эмас. Наҳора, тақдир шундай бўлса найлож? Сиз эса

**Сўзларида бордир ибод,**  
**Юзларида балқиб ҳаёт.**  
**Она бўлар меҳри дарё,**  
**Ўзбегимнинг аёллари,**  
деб битилган ушбу мисралардан, "Сен барибир муқаддасдан, муқаддас аёл", - деган иборадан ўзингиз-

га хулоса чиқариб олинг. Дунёни ўз қарчингиз билан ўлчаманг, ёлғизлик яратганга ярашади. Сиз эса ўз бахтингизни ўзингиз қувманг. Бу дунёда ёшлик, гўзаллик, қуч-қувват, давлат ҳаммаси ўткинчи, ҳамма нарса ўз вақтида бўлгани яхши. Илойим, ўзбегимнинг мард, беллида белбоғи бор, аёлини хурмат қила оладиган яхши йигити пешонангизга битган бўлсин.

**М. ИСОҚОВА**

ТАБРИКЛАЙМИЗ



**ЭГАМБЕРДИ ака ва ЗИУАРХОН чеча!**  
Сизларни таваллау айёмингиз билан чин қалбимдан табриклаймиз. Соғлиқ, бахт, узоқ умр тилаймиз.

Фарзандларингиз, иниларингиз,  
Хужайли шаҳри.




**Мухтарама онажоним Матлуба НИЁЗОВНА!**  
Сизни таваллау айёмингиз, 48 ёшга тўлишингиз билан табриклаймиз. Бахтимизингиз гулможи, уйимизнинг қуёши бўлиб узоқ умр кўриб юринг. Қизингиз Ойдин, ўғлингиз Музаффар.


**Рафиқам РОЗА!**  
Сени туғилган кунинг билан табриклайман. Узоқ умр, ишларингга омад тилайман.



Умр бўлошинг Баҳром, фарзандларинг Талғат, Боғлод. Уртачирчиқ тумани, Уртасарой ш/х.




**Сингаимиз Шарофат ХУДОЙБЕРГЕНОВА!**  
Таваллау айёмингиз муборак бўлсин. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ҳамда омад тилайман. Яқинларингиз номидан Муяссар опанг, Тозагул, Тўртқўл тумани.



**Азиз қизимиз ДИЛНОЗАХОН!**  
Туғилган кунинг муборак бўлсин! Сени чин дилдан табриклаб, келгуси ҳаётингга сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва бахт-саодат тилаб,

Оманг Рисқул Омонов, онанг ва яқинларинг, Уртачирчиқ тумани.



**Сингаимиз Гулбаҳор ҚУРБОНОВА!**  
Туғилган кунингиз кутлуғ бўлсин. Ишларингизга ривож тилайман. Шоху-шодон кулгуларинг билан лавраларни тўлаётган юртин.

**Меҳрибон онажоним ДИЛНОЗАБОНУ!**  
Сизни 20 октябр таваллау айёмингиз билан табриклаймиз. Яратгандан доимо сизга соғлиқ сўраб қоламиз.

Жиянларингиз номидан қизингиз Мунисаой.



Яқинларинг номидан Тозагул, Наргиза, Тўртқўл тумани.

"NOR-BEK - BIZNES" масъулияти чекланган жамиятнинг устав жамғармаси 450 миллион сўмдан 150 миллион сўмгача қамайганлигини эълон қилади. Даволаш куйидаги 41-85-12, 131-72-40 телефонлари орқали орқали қабул қилинади.

Курсдошларимнинг орасида фарғоналик дўстларим анчагина. Улар шўх, пишшиқ йигитлар. Жамшид дегани эса камтарлиги, бўш-баёвлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Ўзи жуда яхши йигит, бир хонада туради.

Бир кунни Жамшид билан дўконга кириб ёғ, гуруч ва нон харид қилдик. Кечки пайт дўстлар билан овқат пишириб, стол атрофига йиғилдик. Жамшид эса нон кеса бошлади. Шу чоғ унинг кўлидаги пичоқ нимагадир тегди. Шиқиллаган овоз эшитилди. У аҳамият бермай яна нонни кесибга киришди. Шунда пичоқнинг учига бир нарса кириб қолди. Жамшид эса уни олиб бизга кўрсатди. Қай кўз билан кўрайликки, у чиройли тилла узук эди. Жамшид уни кўлига ушлаб: "Бу қанақа узук?" деб биздан сўради. Аброр деган дўстимиз хазиллашиб: - У оддий бир жездан ясалган узук-ку, деразадан отиб юборгин, - деди. Жамшид унинг гапларига ишонмади. Чунки Аброрнинг шумшўх йигит эканлигини ҳамма билар эди.

Жамшид узукни менга бериб, тўғрисишни айтишимни сўради.

- Ҳа, ҳақиқатан ҳам бу тилла узук. Ниҳоят, сенинг ҳам омадинг чопадиган кун бор экан-а, оғайни. Камтарлигинг, бировга беғаразлигинг учун ҳам бу тилла узукни сен тоғиб олдинг, - дедим.

Чиндан ҳам кўлидаги узук жуда қимматбахо бўлиб, камида 120 минг сўм турарди. Ҳафтанинг ўртасида Жамшидга уйдагилари кўнғирок қилиб, тўйини бошлашганини айтишди. Шундан сўнг Жамшид Фарғонага, ўзи севган қизига уйланиш учун, тўйга отланди. Тоғиб олган тилла узуги яхшиликка экан. Хуллас, унинг тўйига бориб, биргалишиб хурсандчилик билан тўйни ўтказиб қайтдик. Демак, инсонга бир марта бўлса ҳам омад қилиб боқиши рост экан.

**Шамшод ШАМСИЕВ, ЎЗМУ талабаси.**

Об-ҳавони кузатиш марказининг маълумотига қараганда республикамизда ҳаво ўзгариб туради. Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Шамолнинг тезлиги кучаяди. Ҳарорат кечаси 2-7°, кундузи эса 20-25° илик бўлади. Шимолий худудларда ҳарорат кечаси 2 совук, кундузи 9-14° илик бўлиши кутилмоқда.

**КҮЙ (21.03 — 20.04).** - Ҳафта давомида янги режалар тузишингиз мумкин. Улар сизга қутилмаганда мўмай даромад келтиради.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Касбингиз туфайли катта ютуқларга эришасиз. Фақат турмушдаги иқир-чиқирларга ўралашиб қолманг.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Ҳамкасбларингиз ёрдами билан янги иш бошлашингиз эҳтимоли бор. Меҳнат қилишдан эринманг.

**ҚИСҚИЧАБАҚА (22.06 — 22.07).** - Бу ҳафтада қилган хатоларингизни тузатиш учун имконият туғилади. Яна адашмасликка ҳаракат қилинг.

**МУНАЖЖИМЛАР**

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Бировларнинг ишига аралашмаганингиз маъқул. Акс ҳолда бу ишингиздан бир умр пушаймон қилиб юрасиз.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Анча омадли ҳафта бўлса-да, биров муаммолар пайдо бўлади. Уларни ҳал қилишга ҳаракат қилинг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Шу ҳафта рўзгорда йиғилган ишларингизни бажариб, оила аъзоларингиз билан хордик чикаринг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Ҳиссиётларингизга ишонинг. Шу ҳафтада кўпдан буён қутган севгилингиз билан учрашасиз.

**БАШОРАТИ**

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12).** - Саломатлигингиз анча заифлашганини унутманг. Кўпроқ дам олишга ҳаракат қилинг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01).** - Оилада, фарзандларингиз билан тушунмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Улар билан тил топишга ҳаракат қилинг.

**ҚОВБА (21.01 — 18.02).** - Ҳафта давомида анчагина сабрли бўлишингизга тўғри келади. Кўпроқ уй-рўзгор юмушлари билан банд бўлинг.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** - Ҳунар ўрганишга ҳаракат қилинг бу сизга келгусида асқотади.

**ЭЪЛОНЛАР!**

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар "Оила зийнати" Маркази кизларни ва келинчаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида куйидаги касблар бўйича ўқув курсларини ташкил этди. Марказда кам таъминланган оила фарзандлари бепул ўқитилади.

**Ўқув муддати 2 ойлик курслар**  
- Бичиш-тиқиш - "Элита" усулида пардалар, чойшаблар ҳам тиқиш - Бисерлардан фойдаланиб тиқиш - Бошланғич компьютер билимлари (Windows 2000) - Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш - Сартарошиқ - Косметология - Маникюр-Бухгалтерия-касса аппарати назоратчиси-Қандолатчилик-олий курс.

**Ўқув муддати 3 ойлик курслар**  
- Миллий кўрпа-кўрпачалар тизийш - Юмшоқ уй-ноқлар, бешиқ кўрпачалари ва ёстиқчаларини тиқиш.

**Ўқув муддати 4 ойлик курслар**  
- Массаж ва уй ҳамшираллиги - Бичиш-тиқиш (бошловчилар учун) - Машинада гул тизийш (вишилка).

Курсларни битирган ўқувчиларга махсус сертификат берилади.  
Манзил: "Халқлар дўстлиги" метроси. Фиркат кўчаси, 1 уй. Мўлжал: Республика спорт кўмитаси. Тадбиркорлар палатаси, 2 қават, 202 хона, 413 хона.  
Телефон: 45-18-42, 29-28-58.

**УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҲОЗИЕВИЧ**  
**ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОФРИГАН ҚОВУҒИ БЎШ ЎФИЛ ва ҚИЗ БОЛАЛАРНИ БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.**

Буйрак, қовуқ, простата бешиқ касалликларини ДАВОЛАЙДИ.  
Манзил: Марказ-15, 12-уй (Жангоҳ маҳалла)  
Мўлжал: Метронинг F. Фулом бекати. Тел: 144-46-87 9:00-17:00гача  
Чорсудан 123, 100 автобус. Марш. такси. 2, 4, 7, 77, 91. Себзор бекати.

**ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!** **БМТнинг Халқаро Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва Ўзбекистон Болалар жамғармаси болалар ҳақида ва болалар учун "Саломатлик ва бахт зинапоялари" мавзусида китоб яратиш бўйича эълон қилинган танлов 20 ноябргача давом этади.**

"Саломатлик ва бахт зинапоялари" китобидан кўзланган мақсад - болалар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилишнинг амалий, самарали усулларига оид маълумотлар қизиқарли шеърлар, эртақлар, ҳикоялар ёки расмларда баён этилиши лозим.

Китобда болаларга ўз соғлигини асраш, кўлаб касалликларнинг олдини олиш, гигиена чораларига амал қилиш бўйича билимлар берилиши керак. Тайёр кўлэмалар ўзбек ёки рус тилларида тақдим этилиши керак.

Танловнинг якуловчи турида ҳакамлар ҳайъати тамонидан "энг яхши" деб топилган асарлар 3 та китоб ҳолида чоп этиш учун танлаб олинади ва голибларга рағбатлантирувчи совғалар топширилади.

Танловнинг "энг яхши" асарлари салмоқли ажад билан 2005 йил 1 июнь - Халқаро болалар кунига бағишланиб, чоп этилади ва Ўзбекистон бўйича тарқатилади.

Тошкент шаҳри, Олмачи кўчаси, 32 - уй. Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси.  
Тел: 67-14-28

**СИЗЛАРГА ИЖОДИЙ ЗАФАРЛАР ВА МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМИЗ!**

Катта ҳайит тортлари, турли пишириқлар. Тел: 116-01-01, 108-64-79.

Профессор Эргаш САЛИМОВ клиникаси барча турдаги аллергик, бўғин, ошқозон-ичак хасталиқларини, касалманд, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталигида гормонлар дорилар қўлланилмайди. Аллергик касалликларни аниқлаб, даволашда турли аллергенларни кўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.  
Манзилимиз: Тошкент, Ўйғур Хўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 144-64-30.

**"XOLIS—UMID"** **Ўқишга марҳамат** **Араб тили 2 йиллик**

Ўқув маркази барча толиби илмларни 20 хилдан ортиқ касб-ҳунар ўқув курслар тақлиф этади:

Олийгоҳларга кириш учун тестларга тайёрлаш (тайёрланганидан фанлардан 100% билим берилади)

**3 ойлик:**  
- Компьютер саводхонлиги: Pentium-IV (Windows-98, 2000, MS Office-97), Visual Basic, Adobe Photoshop-7.0, Macromedia Flash 5.0, Corel DRAW 10.0;  
- Интернет ва E-MAIL (электрон почта);  
- Компьютер таъмирлаш; - 1С: Бухгалтерия (бухгалтерия ҳисоби); - Массаж (умумий нуктавий уқалаш); - Торт-салат (тўй тортлари), уйғур ва европа таомлари; - Парда, покрывал (элита усулида).

**3 ойлик:**  
- Тиббиёт ҳамшираси (амалиёти билан);  
- Сартарош-стилист, маникюр-педикюр; косметолог;  
- Тиқиш-бичиш (келин кўйлақлар, бисер билан безаш);  
- Рус тили (бошланғич ва давом эттирувчилар учун);  
- Инглиз тили (аудио-видео аппаратлар ердимида);  
- Турк тили (бошланғич ва давом эттирувчилар учун)

**7 ойлик:**  
- Стоматолог (амалиёти билан); - Фармацевтика (амалиёти билан); - Акusherлик (амалиёти билан).

Ўқув марказида кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган олий тоифали мутахассислар дарс берадилар. Имтиҳон натижаларига кўра лицензияланган имтиёзли ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Халқлар дўстлиги метроси, массив Олмазор 8/1 уй.  
Телефон: 100-16-47; 42-76-06

"Оила ва жамият" газетаси ижодий жамоаси Республика "Оила" илмий-амалий Маркази директори Василяхон Қаримовага падари бузруквори **МАНАНОСИР** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

1986 йилнинг 13 июнида дунёга келганман. Ҳаётда жуда кўп нарсаларга қизиқаман. Келажақдаги орзуим адвокат бўлиш. Шўхур соҳасида чоп этиладиган газета ва журналларни мунтазам равишда ўқиб бораман. Ўзимни қизиқтирган саволларга жавоб топаман. Инсоннинг бахтсизликка учраши ёки арзиманган бир муаммони ҳам ҳал қила олмаслиги кўпинча ўз ҳақ-ҳуқуқини, қонунни яхши билмаслигидан келиб чиқади. Айниқса, бунга аёлларни мисол қилиб олиш мумкин. Чунки, энг катта азият кўп ҳолларда аёллар ва оналар зиммасига юклатилади. Шунинг учун қизларимиз ўз ҳуқуқий билимларини ошириб боришса мақсадга мувофиқ бўларди. Ўзбек эстрадаси хонандаларидан Лола, Райҳон, Шахзода, Шохрух, Ёдгор, Шароф ва бошқалар ёқади. Рус эстрадасидан «Корни», «Иванушки» гуруҳлари, Андрей Губин ҳам сеvimли хонандаларимдир. Ҳинд ва жангари фильмларни сеvim томоша қиламан. Турк эстрадасидан Таркан, Буржу Гунеш, Эмрах, Абдурахмон Чечен ва бошқаларнинг кўшиқларисиз ҳаёт гўзаллигини ҳис этиш мушкул.

**Фирдавс,**  
Тошкент вилояти, Паркент тумани,  
А.Навоий шох кўчаси, 4-уй, 3-хонадон.

1987 йил 29-майда туғилганман. Санъаткорлардан А.Санаев, Ёдгор Мирзажонов, Шароф Муқимовлар ёқади. Глюкоза, Корни сеvimли кўшиқчиларимдир. Ўзбек фильмларидан "Муҳаббат синовлари", "Короботирнинг Хоразмдаги саргузаштлари", ҳинд фильмларидан "Салом шодлик, салом гам", "Биз ёлғиз эмасмиз" фильмларини сеvim томоша қиламан. Келажақдаги орзуим дизайнер ҳамда кўшиқчи бўлиш. Ўз мақсадимга эришиш йўлида ҳамisha олга интиламан. Балки, мендан машҳур кўшиқча чиқмас, лекин ўзим учун куйлашдан чарчамайман. Ҳозир дизайн соҳасининг сиру-синаотларини ўрганиб, дунёқарашимни бойитиб бораёпман. Мен яратган либослар аёллар кўркига янада кўр бағишласа, ўзимни бахтиёр ҳис этаман.

**Сетора САТТОВА,**  
Тошкент вилояти, Паркент тумани,  
А.Навоий кўчаси, 4-уй, 3-хонадон.

"Оила ва жамият" газетасининг ашаддий мухлисларидан мактуб олган кунимни ҳеч унутолмасам керак. Айни пайтда дўстларим анча кўпайган, лекин уларнинг сафи янада кенгайишни истардим. Эстрадамининг ёрқин юлдузларидан гўзал Райҳона, Шахзода, Манзура, Отабек, Самандар, Тохир, Шохрух, Жўрабек, Улугбекларнинг ашаддий мухлисасиман. Севги-муҳаббат туйғуларини қадрлайман. Муҳаббат ҳақидаги сатрларни ўқишни ёқтираман.

"Қиш сонатаси" ва "Морена Клара" телесериалларини ҳаддан зиёд ёқтираман. Ушбу сериаллардаги ошиқи-беқарорларга ҳавас қиламан. Айниқса, "Қиш сонатаси" даги Жун Санг ролини маромига етказиб ижро этган киноактёр Bi Yong Jun ва Болливуднинг порлок киноюлдузи Шохрух Хон - ҳаётимдаги энг азиз инсонлардир. Сеvimли қаҳрамонларим ҳақида кўпроқ маълумотларга эга бўлиш ва улар иштирокидаги фильмларни кўриш мен учун - катта бахт.

Суратга тушиш жону дилим. Ёқтирган рангларим - оқ ва қора. Гуллардан калани ёқтираман. Хоббим - сеvimли киноактёрларимнинг тушган суратларини, ҳамда аёллар журналлари ва тақинчоқларни йиғиш, яна ёмғирда сайр қилиш. Бўш вақтларимни ошхонада мазали таомлар ва ширинликлар пиширишга, ҳамда мусиқа тинглаб, журналлар ўқишга сарфлайман. Овқатлардан манти ва паловни, мевалардан эса кулупнай, хурмо, нок ҳамда банани ёқтираман. Орзуим- энг сеvimли киноактёрларим Bi Yong Jun ва Шохрух Хон билан учрашиш ҳамда оиламизнинг тинчлиги. Келажақда машҳур журналист ёки актриса бўлиб етишишни орзу қиламан. Ростгўй, ёқимтой ва шўх дўстларим мактубларини интизорлик билан кутиб қоламан.

**Нигора РАЖАПОВА,**  
Бухоро вилояти,  
Бухоро шаҳри, Гагарин кўчаси 67-уй,  
Шарқ-2. Инд: 705007

1989 йил "хут" буржи остида таваллуд топганман. Шеърлар машқ қилиб тураман. Матбуотда эълон қилинган шеърларни мунтазам равишда кузатаман. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида чоп этиб бориладиган шеър ва шеърят қонун қондалари ҳақидаги мақолаларни ўқиб бораман. Турки келажақда шоира бўлиш ниятим ҳам, шоирликка давъоим ҳам йўқ. Лекин, ҳар бир одамнинг ҳаётда турмуш ташвишларидан, муаммоларидан қалғитиб турадиган бирон-бир овунчоги бўлиши керак. Ҳеч нарсасга эътиборсизлик билан қаролмайман. Оқ ва қизил атиргулларни ёқтираман. Кашта, қуроқлар тикиш ва суратлар тўплаш менинг хоббим. Бирдан-бир орзуим шифокор бўлиш. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида дўстларим кўп бўлишини истайман.

**Мавлуда БОЕЧАЕВА,**  
Самарқанд вилояти,  
Нуробод тумани, Жом қишлоғи,  
Жом маҳалласи, инд: 704943

Эшим 15 да. 9-синф ўқувчисиман. Мен жуда кўвнок, ҳазилкаш, зийрак қизман. Бўш вақтларимни телевизор кўриш, мусиқа тинглаш, китоб ўқиш билан ўтказаман. Хоббим расмлар тўплаш. Фильмлардан "Ёлгон асираси", "Қиш сонатаси", "Қалбим чечаси" ва ҳинд фильмлари ёқади. Фанлардан география, она тили, адабиёт, алгебра ёқади. Ёқтирган таомим палов. Гуллардан атиргул, астра ва мойчечак гулининг ишқибозиман. Оқ, сарик, сиёҳранг, пушти рангларни кўрсам кайфиятим кўтарилари. Биз оилада 8 кишимиз. Дадам, аям, 3 та синглим ва битта укам бор.

Азизлар, бу дунёда биздан фақат дўстлик мерос қолади. Зеро, Аллоҳ таоло айтади: "Мен учун узаро дўстлашганлар, бирга суҳбатлашганлар, бир-бирига хайр-эхсон қилганлар ва зиёфатлашиб турувчиларга муҳаббатим ҳақдир".  
**Гулмира ЧИННИЕВА,**  
Тошкент шаҳар, Оҳангарон тумани,  
Овжасой қишлоғи, Жонибек маҳалласи.  
Инд: 702439.

1985 йил 12 сентябрда туғилганман. Ҳозир Банк коллежининг сиртки бўлимида ўқиб, Паркентдаги халқ банкида ишлаяпман. Ҳинд фильмлари жону дилим. Севинч Мўминова ва "Сетора" гуруҳи менга жуда ёқади. Бўш вақтларимда газета ўқийман, футбол ўйнайман. Ўзбекистоннинг кучли командаларидан "Нефчи" жамоасининг ашаддий мухлисасиман. Улар иштирокидаги ҳар бир ўйинни мириқиб томоша қиламан. Ўзбек футболининг доврғи олам бўйлаб таралишини жуда-жуда истайман. Қолаверса, яхши дўстлар билан суҳбат қуришга, улар билан дўстлашишга ҳамisha ошиқиб яшайман. Доноларимиз айтганидек:

*Аҳли ислом учун имондан кейин,  
Дўстликдир амали солх афзали.  
Қадрдон дўстлари билан фахр этар,  
Чинакам мўминлар маҳшар маҳали.*  
**Жамшид МИРЖАМОЛОВ,**  
Тошкент вилояти, Паркент тумани,  
Истиклол маҳалласи, Халқ банки.



**Мактуб кўнгилларга сурур бағишлар,  
Мактуб дўст меҳридан ажиб армуғон.  
Ёзилмиш мактубга жавоб ёзмоқ ҳам,  
Саломга аликдбк вожиб ҳар қачон.**

Мен 1986 йили 10 декабр куни туғилганман, ҳозирги пайтда Бекобод техника иқтисодиёт касб-хунар коллежининг III-курс талабасиман. Мактабда ўқиб юрган кезларимда ота-онам: "Бирор касбни эгаллаб олсанг, келажақда қийналмайсан", - дейишди. Ҳеч иккиланиб ўтирмай коллеж томон йўл олдим. Ўқишларим яхши. Энг муҳими мен яхши устозлар, ҳамда дўстларим даврасида бўлишдек бахтга мушаррафман. Тенгдошларимни ҳам ўқиб, илм олишга қорлайман.

**Моҳира ҲАКИМОВА,**  
Тошкент вилояти,  
Бекобод шаҳри, 3-даҳа, 4-уй, 15-хонадон.

"Келинг дўстлашайлик" рўқни орқали жуда кўп дўстлар орттирдим. Мубина, Гулшода, Севара, Нигора, Рустам, Авазлар шу жумласидандир. Дўстларим сафи янада кўпайишни хоҳлайман.

1986 йил 2-сентябрда туғилганман. СамДУ Академик лицейи талабасиман. Келажақда журналист бўлмоқчиман. Ҳаётда жиддий инсонман. Анвар Санаевнинг ашаддий мухлисасиман. Кишининг бегуборлигини, баҳорнинг нафислигини, кузнинг ёмғирини жуда яхши кўраман. Мақсадим, дўстларим сонини янада орттириш, тилагим, уларни соғсаломат кўриш.

**Камола ФАНИЕВА,**  
Самарқанд шаҳри,  
Ф.Хўжаев кўчаси,  
37-уй, 19-хонадон.  
Инд:703058.

1989 йил 2 декабрда Овжасой қишлоғида туғилганман. Ҳозирги кунда 34-урта умумтаълим мактабининг 9-синфида таълим оламан. Мен бўш вақтларимни китоб ўқиш, радио тинглаш, телевизор кўриш, кашта тўқиш билан ўтказаман. Шиорим, "Бу кунлар ўтиб кетар". Хоббим, шеърлар ўқиш. Оқ, қизил, сарик рангларни ёқтираман. Фанлардан она тили, адабиёт, география, хуллас ҳамма фанлар, ҳинд кинолари, Корея ва Мексика фильмлари ёқади. Хайвонлардан, кучук, улқоча, тойчоқ, кўзичоқ, ёввойи хайвонлардан йўлбарс, шер, гепард.

Биз оилада дадам, аям, 2 та укам ва келиноним ҳамда мен яшаймиз. 3 та олам турмушга чиққан.

**Гулноза СУВОНОВА,**  
Тошкент шаҳри,  
Оҳангарон тумани,  
Овжасой қишлоғи,  
Жонибек маҳалласи. Инд: 702439

1989 йил 6 январда туғилганман. Ҳозирги кунга келиб Чирчиқ Техника касб-хунар коллежининг ЭҲМ ва компьютер тармоқларини ишлатиш ихтисослиги бўйича 1-курс талабасиман.

Журналистикага қизиқаман. Табиатан романтикман. Ёқтирган FM радиом Наврўз. Мен билан дўстлашмоқчи бўлган тенгдошларимга шуни айтаманки, мен билан дўстлашсангиз, дўстлигимиз доимо абадий бўлади.

**Нилуфар МУСАМЕТОВА,**  
Тошкент вилояти,  
Чирчиқ шаҳри, Рамазон кўчаси,  
141-уй, Инд: 702100.

"Оила ва жамият" газетасини хонадонимизда сеvim мутолаа қиламиз. Унинг ҳар бир саҳифаси биз учун қадрли. Шу ўринда "Келинг дўстлашайлик" саҳифасининг жонкуяр ходимларига ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Ушбу саҳифа орқали республикамизнинг турли вилоятларидан жуда кўплаб дўстлар орттиришга муяссар бўлдим. Вазиятдан фойдаланган ҳолда яна тенгдошларимни дўстликка қорламоқчиман. Мен 1982 йил 6 декабрда таваллуд топганман. Ҳаётдаги шиорим: "Интиланганга толе ёр". Орзуларим сари интилиб яшашга ҳаракат қиламан. 1982 йил 6 декабрда туғилган тенгдошларим билан яқиндан танишиш истагидаман.

*Дийдор ганиматдур дунёда дўстлар,  
Тўйиб сирлашмоққа топайлик имкон.  
Қадрлайлик бир-биримизни,  
Қолғувчи Дунё бу, ўтувчи инсон.*

**Маҳлиё БОЗОРОВА**  
Бухоро вилояти,  
Жондор тумани,  
Ўзбекистон ш/х,  
Хорсафед қишлоғи, инд:706310.

**Фолбиннинг айтгани тўғри бўлса ҳам ёлгондир. ХАДИСАН.**

Даланинг ёмғир ювган ўйдим-чукур йўлларида кетаётган машина дам-бадам силкинарди. Кўлмаклардаги сув ойнага сачраганда Машхура сесканиб, беихтиёр ўзини орқага ташларди. Мана уч йилдири, у бетоб. 25 ёшли жувонинг сўлиган юзи, киртайган кўзлари, нурсиз, ҳамма нарсага бепарқ нигоҳи олдида ўтирган анча ёши ўтиб қолган аёлга ҳам таъсир қилганди. Йўлга чиққанларида у: "Ҳали ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасан", - деб Машхурага далда берган бўлса-да, охир оқибат қизининг кайфияти унинг руҳиятига ҳам таъсир этган эди.

Машина бирдан қаттиқ силкинди-да, тўхтаб қолди. Ҳайдовчи сўкиниб, газни босди. Машина гилдираклари зўриқиб айланди, лекин жойидан жилмади.

-Падарланъати, шу етмай турувди. Ҳайдовчи машинадан тушди-да, чуқур ух тортиб, яна жойига қайтиб ўтирди.

- Етиб келдик, тушинлар, трактор тортиб чиқармаса, бу падарланъатини чиқариб бўлмайди. Машина гилдираклари ярмигача лоили ботқоққа тикилиб қолган эди.

Анор хола ҳануз бир нуқтага тикилиб ўтирган қизига:

-Машхура, ёрдам берайми, бироз салқин ҳаводан нафас оласанми? - деди.

Машхура онасига ҳорғин назар ташлаб, бошини чайқади.

- Майли қизим, бўлмаса бироз мизгиб ол, бу ўлгур мошин ҳам силкиनावериб, сени чарчатди.

- Ҳай, шопир болам, балки тракторни ўзинг топиб келарсан, биз мошинда ўтириб турардик.

Анор хола Ҳайдовчига илтижо билан боқди.

-Э, қизикмисиз, эна, қишлоққа-ча ҳали 5 километр бор. Битта-яримтаси ўтиб қолади.

- Кеч қоламиз-ку, у қишлоқда танишимиз ҳам йўқ, кейин фолбин ҳам, эшон ҳам қўш қорайгач, қабул қилмаса керак...

- Хавотирланманг, бораётган жойингиз ўзимнинг қишлоғим, жуда бўлмаса, бизниқанда тунаб қоларсизлар.

- Эрталабдан бери биргамиз-у, исмингни ҳам сўрамабман, болам. Анор хола маъбос жилмайди.

-Исмин Бўрибой, энамнинг айтишларича, отам уйга овдан бўри боласини олиб келганларида, туққан эканлар. -Ҳайдовчи кулди.

Анор хола бошқа ҳеч нарса сўрамади. Унинг кўнгли жойига тушиб, атрофга назар солди. Адирлар узок-узокларда қорайиб турган тоғларга уланиб кетган бўлиб, қузнинг салқин шамоли итларинг хурганини, чўпоннинг ҳайқирган овозини элас-элас олиб келарди.

Орадан уч соатлар чамаси вақт ўтди. Ҳайдовчи бошини рулга қўйиб алақачон пинакка кетган, Машхура ҳам кўзини юмиб ўтирар эди. Унинг ухлаган ёки ухламаганлигини билиб бўлмасди. Орқа тарафдан гуриллаган овоз келди. Анор хола диққат билан овоз келган томонга қаради, аммо, ҳеч нарсаи кўрмади. Овоз эса тобора яқинлашиб келар эди. Бироздан сўнг қияликдан ўрмалаб келаётган тракторнинг тепа қисми кўринди. Анор хола шоша - пиша ухлаб ётган Ҳайдовчини туртди.

- Тур, болам, трактор келаяпти,

яна ўтиб кетмасин.

Ҳайдовчи кўзини очиб, бирпас ҳеч нарсани англамай Анор холага қараб турди-да, сўнг трактор овозини эшитиб, машинадан тушди.

Улар қишлоққа кириб келишганида қош қорая бошлаганди. Машина лойсувоқ устидан оқланган ўйнинг олдида сигнал бериб, тўхтади. Машина овозини эшитиб, дарвозада рўмолини йўл-йўлақай тўғрилаб чиқаётган жувон кўринди. У салом бериб, эрининг қўлидан бозорлик халталарни олди-да, меҳмонларни ичкарига таклиф этди.

Уйнинг хоналари эски усулда қурилган бўлиб,



**ШАЙТОН**

деворга ўйилган тоқчаларга чойнак-пиёлалар териб қўйилган эди. Тўрдаги гулдор қўти устида телевизор турарди. Жувон шоша-пиша тахмондан кўрпачаларни олиб тўшагач, дастурхон ёзди. Қанд-курс, ёнғоқ-майиз, кичикроқ ликопчада сариеғ олиб келиб дастурхонга қўйди. Чой дамларкан ачингандай индамай ўтирган Машхурага қараб-қараб кўярди. Овқат ейилиб, чой ичилгач, Бўрибой ака: "Эртага кечкурун ўзим сизларни олиб бориб кўяман" - деб, бошқа хонага чиқиб кетди.

Эри чиқиб кетгач, жувон Анор холага қараб:

- Келингизми, ёки қизингизми? - деб сўради.

- Қизим... Мана уч ойдирик бетоб. Кўрсатмаган дўхтирим, табибим қолмади. Қишлоқларингизда, «Сайрам фолчи» деганлари бор экан. Уша бир фол кўрса, девдим... Кейин Чақиртикандаги Дўлбой эшонга олиб бориб дам солдирмоқчиман. Улар бизнинг пирларимиз. Зора Оллоҳим шифо берса?..

Анор хола намланган кўзларини рўмолининг учи билан артди.

-Шифосини берсин, -дея Жувон чақонлик билан дастурхонни йиғиштириб олди. Сўнг Анор хола билан қизига қалин қилиб жой солди. Ишини тугатгач, эшикдан мўралаб турган 3-4 ёшлардаги болани кўтариб олиб, секин чиқиб кетди.

«Сайрам фолчи» деганлари ёши 60 ларни қоралаб қолган, тўладан келган аёл экан. Машхурага синчковлик билан тикилар экан, унинг бошидан уч бор исирик тутаб ётган оташуракни айлантиргач, тасбеҳи билан унинг елкаларига урди.

Бир қўли билан тасбеҳ доналарини бирма-бир санаганича, ўнг қўли билан ёнида турган қалин китобни очди. Китоб араб тилида эди. Ниҳоят, фолбин тилга кирди.

- Қизингизнинг дарди огир. Унга бу дард куёвингизнинг касофати билан юқкан.

Анор хола билан Машхура бир-бирларига қараб олишди.

-Куёвингизнинг никоҳида яна бир аёл бор. Сизга талоқ бермай, уни никоҳига олгани учун, никоҳнинг огирлиги қизингизга тушган.

-Аммо куёвимиз Сайфиддин жуда ҳам баъмани йигит. Қизим касал бўлганидан бери уч боласининг бошида парвона. Ҳозир ҳам бу ёққа Машхурани ўзи олиб келмоқчи эди, унамадим.

Ишидан жавоб олиб, болалари билан қолди.

-Куёвингизнинг меҳрибончилигига кўп ишонманг. Қизингиздаги пардани олиб ташланг, опа. Гапимга ишонмасангиз, уйга қайтгач, суриштириб кўринг.

-Хўп, қизимни қилай?

- Куёвингиз унга

талоқ бериб, сўнг қайтадан никоҳ ўқитсин, шунда тузалади. Бўлмаса юраги сиқилиб ё силга айланади, ёки ракка.

- Худо кўрсатмасин, товба қилдимей. - Анор хола ёқасига туфлади.

- Қўшни қишлоқдаги Дўлбой эшонга ҳам бир дам солдирмоқчи эдик...

- Солдиринг, зора қизингиз энгил тортса...

Анор хола рўмолчасига тугилган пулдан атаганини олиб, фолбинга берди-да, Машхурани қўлтигидан олди.

Дўлбой эшон дам солгач ҳам Машхуранинг аҳволи яхшиланмади. Орадан уч кун ўтди.

Машхуранинг турмуш ўртоғи, рафикасининг сарғайган юзига тикиларкан, уч ойдан бери қизининг олдида жилмаётган, фолбининг олдида қайтгандан бери куёвига хўмрайиб назар ташлаётган Анор холага гап қотди:

- Ая, энди Машхурани Тошкентга олиб бормасам бўлмайди. Уни яхшилаб текширтириш керак.

- Ҳа, энди қилғилиқни қилиб қўйиб, дўхтирга чопмоқчимисиз? Ундан кўра, қизимнинг талоғини беринг.

Сайфиддиннинг қўлидан пиёла тушиб кетишига сал қолди.

- Ая, бу нима деганингиз?

- Ҳа-а, куёв, тушунмайсиз-да, иккинчи хотинчангиз борлигини билмайди, дейсиз-да.

- Қанақа иккинчи хотин, ўйлаб гапираяписизми? Болаларимни етим қилиб, Машхурани қон қақшатиб устига, хотин оламанми? Бундай беъмани гапни ким айтди сизга?

Анор хола Сайфиддиннинг жаҳли чиққанини кўриб, сал ховуридан тушди. Қўлидаги пиёлани дастурхонга тўнкариб қўйди-да, индамай Машхура ётган хонага кириб кетди.

Сайфиддин анчагача бошини чангаллаб ўтирди. Қайнонасининг сўзлари ҳамон қулоғи остида янграр, унинг бу тухматини ҳеч ҳам ҳазм қилолмас эди.

Орадан яна икки кун ўтди. Шу кунлар ичида Анор хола куёвидан уч маротаба қизи билан ажрашишни талаб қилди. Машхурани Тошкентга олиб кетмоқчи бўлиб, ёру-дўстларидан қарз кўтарган Сайфиддин бошига тушган бу балодан қандай қутулишни билмас: "Ҳеч қандай иккинчи хотиним йўқ", - деб, қасам ичса ҳам, ўз гапида туриб олган қайнонасини ишонтира олмас эди.

Бугун Анор хола уйдан хабар олгани кетганидан фойдаланиб, дўсти Самаднинг машинасини миниб келиб, Машхурани унга кўтариб олиб чиқди. Болаларини қўшни аёлга тайинлаб, йўлга тушишди.

Самад, Сайфиддиннинг энг яқин ўртоғи. Болаликдан бирга катта бўлишган. Тошкентдаги хусусий бир шифохонада яхши таниши бор экан. Машхурани ўша ерга олиб бориб, текширтиришга қарор қилишди.

Бурнининг учига кўзойнагини кўндириб олган, ёши ўтинқираган кекса шифокор, нақ 15 дақиқа ниманидир қидирди. Сўнг, чуқур «уф» тортиб, столига ўтирар экан, терлаган пешонасини рўмолчаси билан артди. Қўли бурнининг учига кўзойнагига тегиб, кулиб юборди.

- Оббо савил-эй, боядан бери кўзойнагини қидираётган эдим, бурнимда экан.

Сайфиддин билан Машхура ҳам жилмайиб қўйишди.

Шифокор олдида турган Машхура анализларининг натижаларини кўздан кечирар экан, бот-бот Сайфиддинга маъноли назар ташлар эди. Сўнг:

- Тўғриси айтсам аёлингизнинг аҳволи огир. Уни фақат жароҳлик йўли билан даволаш керак, - деди.

- Ўзи нима касал?- Сайфиддин бетоқатланди.

- Ошқозон билан ўн икки бармоқли ичак бошланмасида кичкина шиш бор. Бу - рақнинг бошланмаси. Зудлик билан даволанмаса, кеч бўлиши мумкин.

Сайфиддин Машхуранинг ранги бирдан оқариб кетганлигини кўриб, норози оҳангда:

- Балки рақ эмасдир, бошқа нарсасидир? - деди.

- Яхши йигит, мен тажрибам ва билимимдан келиб чиқиб, гапираяпман.

Шифокорнинг овоз оҳанги зардали эди.

-Хўп, хўп. Даволаниш қанча бўлади?

- Ўзларинг биласизлар, бизнинг шифохонамиз хусусий. Шунинг учун операция қилиш ва бошқа муолажаларга, беморнинг шу ерда ётишига жами 600 минг кетади. - 600 минг?!

Сайфиддин ўзига жавдираб қараб турган Машхурага қарай олмай, бошини эгди.

- Ҳа, 600 минг.

-Сиз даволашни бошлайверинг, мен 3-4 кунда пулни топиб келаман.

Сайфиддин Машхурага секин кўз қирини ташлаб, шифокорга юзланди.

(Давоми 13 бетда)

**(Боши 12-бетда)**

- Э, бунақаси кетмайди. Бозорда ҳам аввал пулини берасиз. Пулни бориб кассага тўлаган кунингиз муолажани бошлаймиз. Шифокор гап тамом, дегандай бир нималарни ёза бошлади.

- Дадаси, кетдик. Машхуранинг ҳазин овози Сайфиддиннинг ҳушини, жойига келтирди.

У Машхуранга суюганича, ташқарига олиб чиқди. Уйга қайтишганида кун кеч бўлган эди. Анор хола аллақачон қайтиб келиб, невараларини ювинтириб, овқатлантирган, энди эса

нинг тўйига атаб боқиб юрган танани, сигирни сотишга қарор қилишди. Аммо улардан тушган пул ҳам мўлжалга етмади.

- Яна 250 минг керак. Сайфиддин Самаднинг олдида ўтирар экан, шунча пулни яна қаердан топишини билмас эди.

- Майли, жўра сенга 100 минг топиб бераман. Аммо қолганига қурбим етмайди. Бундан ташқари хотинингни олиб бориб, келишингни ўзига яна 100 минг керак. У ерда яшаш, ейиш, ичишинг дегандай. Менга қара хотинингни аввал ўзимизда яна бир марта текширтимизми? Кеча хотиним айтувди. Вилоят касалхонасига Японияда ўқиб келган бир йигит келган экан. Касални

# ШАЙТОН ВАСВАСАСИ

қизи билан куёвини кутиб ўтирганди.

Эшиқда Машхуранга кўтариб олган Сайфиддинни кўриши билан уларга пешвоз чиқди.

- Ассалому-алайкум, ая. Дадалар, жиянлар яхши юришибдимиз?

Сайфиддин Машхуранга кўрпача устига ўтказар экан, Анор холанинг кайфиятини билиш учун унга тикилибди.

- Қаёқда эдиларинг? Анор хола куёвининг саломига алик ҳам олмай, зарда билан сўради.

- Аяжон, куёвингизни уришманг. Тошкентга, мани дўхтирга текширтиргани олиб борувдилар, - Машхура онасининг авзойини кўриб, биринчи бўлиб жавоб берди.

- Дўхтир нима деди? Машхура жавоб бермай, пиқиллаб йиғлашга тушди.

- Э, кўйсангчи, ҳаммаси бўлмаган гап. Индин бошқасига борамиз. Мана кўрасан ҳали, тузалиб кетасан. Бунинг учун оз-оз бўлсада овқат ейиб туришинг керак.

Сайфиддин хотинига далда бермоқчи бўлди-ю, аммо, юзини ювиб тушаётган ёшларни тўхтата олмади.

Анор хола дам куёви, дам қизига қараб, шошиб қолди.

- Нима бўлди, гапирсаларинг-чи?

- Аяжон, мен яқинда ўламан. Дўхтир «рак» деди. Машхура яна йиғлашга тушди.

- Кўй болам, ундай дема. Ортимда қол, қизим. Ўлмайсан. Тўғрими, ўлмайсан-а?!

Анор хола қизининг сочини силаб, уни бағрига босди.

Сайфиддин украб йиғлаб юборишдан ўзини аранг тийиб, ташқарига чиқиб кетди.

Эртаси куни қарз сўраб бормаган жойи, кирмаган уйи қолмади. Маслаҳатлашиб ҳовлидаги кичик ўғли-

- «точний» айтиб, даволаркан. -Э, Тошкентингдаги дўхтир билмаган нарсани бу билармиди?

- Сендан нима кетди? «Ноумид шайтон», - дейдилар. Бир бориб кўр. Кейин Тошкентга олиб кетаверасан.

- Майли, бир каттанинг, бир кичикнинг гапига кир дейдилар. Сенинг айтганинг бўла қолсин.

Вилоят касалхонасига ишга келган ёшгина йигит Машхуранга узоқ кўздан кечирди. Касалининг бошланмасидан тортиб, ёшлигида нима билан оғриганига сўраб-суриштирди. Сўнг рентген суратларини синчковлик билан кўздан кечираар экан, Машхурага қараб жилмайди.

- Хавотирланманг, опа, бир -икки ҳафтада отдай бўлиб кетасиз. Ҳақиқатдан ҳам ошқозон билан ўн икки бармоқли ичагингизнинг бошланмасида шиш бор. Аммо, у оддий шиш. Фақатгина бироз парҳез қилишингизга тўғри келади. Бўлмаса, у ярага айланиши мумкин. Сизни эса нина билан даволайман.

- Ростдан ҳам Машхура рақ эмасми?

Сайфиддин эшитган гапига ишонмай яна бир бор сўради.

- Албатта йўқ. Сиз кўрсатган шифокор янглишган бўлса ажаб эмас, сиз айтган пулни сўраб эса менимча, ўзларининг нархини оширишган... Шундай ташҳис қўйишгач, республика онкология марказига боришларинг лозим эди. Анигини айтишарди.

- Ундай нарсани тушунмасак. Айтганига ишониб кетаверибмиз-да.

Орадан бир ой вақт ўтди. Шифокор йигитнинг муолажаларидан сўнг Машхуранинг юзларига қизиллик югуриб, секин-аста туриб юрадиган бўлди.

Анор хола эса фолбиннинг гапига ишониб, шайтоннинг васвасасига учиб, куёвнига тўхмат қилганидан, қизининг гулдай оиласини бузиб юборишига бир баҳа қолганидан хануз хижолатда...

**Наргис ҚОСИМОВА,**  
журналист.

# СЕВИБ ҚОЛАМАН, ДЕБ ЎЙЛАМАГАНДИМ

Ёшим 20 да. Мактабни аъло баҳоларга битириб университет талабаси бўлдим. Мактабда ўқиётган давримда дугоналарим севги ҳақида гапирса менга бу мавзу кулгили туюларди. Уларни масхаралаб кулардим, чунки севги нималигини билмасдим. Севиб қоламан, деб ўйламагандим. Чунки, ҳаётда алданган қизларни кўп кўргандим. Шунинг учун ҳам ҳеч қачон севмайман, деб ўзимга сўз бергандим. Талабалик даврим ҳам бошланиб кетди. Ҳамма қишлоқдан келган қизлар қатори ётоқхонага жойлашдим. Кунлардан бир кун ётоқхона ёнгинасидаги боғда китоб ўқиб ўтиргандим. Бир пайт мени кимдир кузатаётгандек туюла бошлади. Атрофга қарадим, ҳеч ким кўринмади. Яна китоб ўқишга берилиб кетдим. Шу пайт кимдир ёнимга келди.

- Кечирасиз яхши қиз, ёнингизга ўтирсам қарши эмасмисиз?

Бошимни кўтариб қарасам бир йигит кулиб қараб турарди. У йигит жуда келлишган, қора кўз, қора қош - бир сўз билан айтганда хушсурат йигит эди. Менинг қалбимда нимадир бош кўтаргандай бўлди, лекин сир бой бермадим.

- Бошқа жойлар ҳам бўшқу.

- Лекин мен шу ерда ўтирмоқчиман.

- Нега энди? - Ажабланиб сўрадим.

- Сиздек қизни ёлғиз ташлаб кетсам ўриндик ҳам ранжийди-да, - деб ҳазиллашди йигит. Энди ростдан ҳам жаҳлим чиқа бошлади.

- Ундай бўлса шу ўриндик сизга, мен кетаман, - деб ўринимдан турдим ва ётоқхона томон юра бошладим. Шу пайт йигит ёнимга югуриб келиб йўлимни тўсиб олди.

- Қанақа йигитсиз ўзи? Шилқимлик ҳам эви билан-да...

- Нима бўпти? Сиз менга ёқиб қолдингиз. Ҳеч бўлмаса исмингизни айттарсиз...

Менинг баттар жаҳлим чиқиб қошларим чимирилди. У йигитга шундай қарадимки, дош беролмай беихтиёр йўл бўшатди. Аммо ортимдан баланд овозда: "Мен барибир сизни топиб оламан", - деб бақирди. Орадан 3-4 кун ўтди. Бу воқеани эсимдан чиқардим. Ҳамма талабалар сингари шанба куни мен ҳам қишлоғимизга бордим. Ўша куни маҳалламизда тўй бўлаётган экан. Мен ҳам дугоналарим билан тўйга чиқдим. Тўйда дугонам тўйни тасвирга олаётган йигит биз томонга жуда кўп қараётганлигини айтиб қолди. Шунда ўша томонга қарадим - не кўз билан кўрайки, ўша боғда учратган шилқим йигит кулиб турарди. Тўйда ҳам тургим келмай қолди. Тўй тугаши билан кўчага чиқсак, йигит бизни кутиб турган экан. Тўғри ёнимга келди-да.

- Салом Севарахон! деди. "Тавба, исминини қаёқдан била қолдингиз?" ажабландим.

- Сиз бу ерда нима қилаяпсиз?

- Ие, меҳмонни ҳам шунақа қарши оладими! Сиздан яхши мезбон чиқмас экан.

- Ҳозир менинг қандай мезбон эканлигимни муҳокама қилдиган вақт эмас.

- Ҳа, майли бу мавзунинг кейинги сўхбатларимизга қолдирамиз, - деб хайрлашиб кетди.

Душанба куни яна ўқишга қайтдим. Дарсга борсам дугонам бир қутча берди. Уни очиб кўрсак, ичи тўла шоколад экан. Мен эътибор ҳам бермадим маззасини қизлар кўришди. Энди бу ҳолат ҳар куни такрорланадиган бўлди. Шавкат мени чақиртирар, чиқмасам шоколад киргизиб юборарди.



Дугоналарим эса:

- Намунча ноз қилмасанг, қара шундай келишган чиройли йигит, - дейишарди.

Орадан кунлар ўтди. Шавкат ҳафтада 2-3 кун ёнимга келар суҳбатлашиб кетар, ҳар гал келганда ширинлик олиб келишни ҳам унутмасди. Ўзим билмаган ҳолда унга қаттиқ боғланиб қолдим. Шавкат акам бироз кечикса хавотир олардим. У билан ҳар куни муҳаббат, оила ва келажакимиз ҳақида суҳбатлашардик. Бур куни у менга:

- Севар, биласанми, сенга бир гап айтмоқчи эдим, - деди.

- Нима гап экан?

- Аввал "хафа бўлмаман", - деб ваъда бер. "Нима гап бўлишига қараман сиздан кечмайман", - деб сўз бер...

- Тушунтириброк гапиринг тинчликми ўзи?

- Мен аввал уйланиб ажрашганман. 2 та фарзандим бор. Буни сенга айтишга бир неча бор уриндим, лекин мени ташлаб кетишингдан қўрққандим. Уни ҳеч қачон севмаганман. Фақатгина оймни хоҳиши деб, у билан яшадим. У билан яшаган ҳаётим дўзахдек ўтарди. У мени ҳеч қачон ҳурмат қилмасди. Эр ўрнида кўрмасди. Унинг қилиқларига чиқолмай қолдим. Охир - оқибат ойм ҳам мени тушунди. Хотиним ажрашишга осонгина рози бўлди. Кейин билсам унинг севган йигити бор экан. Ҳозир у ўша севгилисига турмушга чиқиб кетган. Мана, ҳаётим билан танишиб олдинг. Мени тушунасан, деган умиддаман. Энди сен гапир...

- Мен уйлаб кўришим керак, нима бўлганда ҳам фарзандларингиз бор, - дедим-да, хонамга кириб кетдим ва мана шу мактубни сизларга ёздим. Ҳозир икки ўт орасидаман. Шавкат акамдан воз кечолмайман. Бир томонда ота-онам мени ҳеч қачон уйланган йигитга бермаслигини биламан. Нима қилай маслаҳат беринг?

СЕВАРА

## ЎЗОЗЛИГИМ, СУЮКЛИГИМ Сизга айтмоқчи бўлганларим

Онажоним, шукр қиламан ёнимда сиз борлигингиз учун. Сиз азиз ва муқаддасиз, мунисам ўзингизсиз, кўнглимнинг давлати сиз. Дили порлоқ, ризқи ҳалол, йўли тўғри аёлсиз. Сизнинг кўп ишларингизни ўзимга сабоқ деб биламан. Сиз ёлғон гапирмагансиз, бировнинг ҳақиқа хийнат қилмагансиз, етимларнинг ҳақини емагансиз. Аллоҳ сизни кўп синаган. Синовларга бардошлик Онажонимсиз.

Мана 13 йил бўлди - отамнинг вафот этганларига. Сиз ёлғизсиз. Биргина қизингиз бахтингиз-қувончингиздир. Мен учун

**ЎЗИНГИЗ**

13 йил деб ёзиб қўйиш осондир. Аммо ана шу 13 йилнинг азобини сиз кўргансиз. Кимларнингдир гийбатига парво қилмадингиз, ёмонлик эвазига ҳам яхшилик қайтардингиз. Сиз менга борлигингиз, ширин сўзингиз, қайноқ меҳрингизни, гўзал ҳуснингизни бағишладингиз. Менинг бу дунёдаги қувончим, бағримнинг осмонлиги, жону жаҳоним сиз билан ўзозлигим, суюклигим ўзингиз.

**Камола НУРМУҲАМЕДОВА**

Бир пайтлар бизнинг оилавий ҳаётимизга кўпчиликнинг ҳаваси келарди. Турмуш кўрсатимизга йиғирма йилдан ошган бўлса-да, эрим билан аҳил яшаб, олти фарзандимизнинг ширин ташвишлари билан тинч ва бахтиёр ҳаёт кечирардик.

Тўйимиздан сўнг турмуш ўртоғим ҳарбий хизматни тамомлагач, Тошкентга бориб ишга жойлашди. Институтнинг тайёрлов курсига ҳужжатларини ҳам топшириб қўйди. Қайнотам: "Эр қаерда бўлса, хотин ҳам ўша ерда бўлиши керак. Хотинингни ҳам бирга олиб кетгин", - деди. Ўшанда гаши келиб қовоғини уйғанидан сездимки, бу гап қайнонамга унчалик ёқинирамади. Биз Тошкентга кўчиб келдик.

Эрим оилада бош фарзанд бўлгани учун ота-онасига моддий томондан ёрдам берар, тез-тез хабар олиб турарди.

Онам раҳматлик ҳам сўнги нафасига: "Қайнона-қайнотангни рози қилиб, дуосини ол", - деб насиҳат қилганди. Онамнинг шу насиҳати қулғимга ўрнашиб қолгани учун қайинсингилларим, қайинукларимнинг ҳам иззат-хурматини жойига қўярдим. Кийим-кечакка, зеб-зийнатларга ўч бўлмадим. Менга фақат оиламиздаги тинчлик ва хотиржамлик бўлса кифоя эди.

Эрим ўқишини тамомлади. Харақатчан ва билимдонлиги туфайли юқори лавозим эгаси бўлди. Аста-секин рўзгоримизни ҳам тиклаб олди. Кейинчалик унинг ишхонасидан бизга уй берилди. Барча орзу-хавасларимиз ушалганди. Аммо, қутилмаганда бизнинг бахтли ҳаётимизга кўз тегди. Мен учун оғир ва изтиробли кунлар бошланди. Оиламиз учун жонини фидо қиладиган, доимо суянадиган сеvimли эрим бирдангина ўзгарди.

Ҳаётимиздаги қалтис бу бурилиш мени ниҳоятда гангитиб қўйди. Лекин, ўзимни қўлга олиб, яхши кунлардан умид қилиб яшайвердим. Кунлар шу зайлда ўтиб борар, эрим эса тобора оиламиздан узоқлашарди. Эримнинг ҳатти-харақатларидан орада аёл киши пайдо бўлганини тушундим. Чунки, у кечалари уйга ҳам келмай қоларди. "Қаерда эдингиз? Бунча кеч келаясиз?" - деган саволларим унга ёқмасди. Болаларим ҳали жуда ёш эди. Ярим тунда бирининг иссиғи чиқар, бири эса "дадам" деб йиғлар мен эса нима қилишимни билмай қўшилишиб йиғлардим. Бир куни бозорда собиқ кўшминизни учратиб қолдим.

У мени четга тортиб эрим билан бирга яшаш-ашамалигимизни сўради. Чунки эрим уларнинг "дом"ида яшайдиган бир аёлликка деярли ҳар куни келиб юрганини кўришини айтди. Менинг анграйиб қолганимни кўриб:

Вой!.. Ҳали ҳеч нарсадан хабарингиз йўқми? Лекин барибир билгизингиз керак-да. Ахир олти фарзандингиз бор-а! - деди. Мен эса юрагим эзилиб, изтиробга тушганимдан нима дейишимни ҳам билмасдан турардим. Кейин эса азбаройи ор-номус қилганимдан: "Ундай деман-га, эрим бир ҳамкасбининг уйда кечалари ҳам ишлайди. Рўзгорга харна-да, - деб жавоб бердим. Аёл эса: "Нима бўлганда ҳам хушёр бўлинг. Тагин эрингизни бировлар олиб кетмасин" - деди-да, мен билан хайрлашиб кетди. Кўнглимни илонлар кемирса-да, бу гапга унчалик ишонгим келмасди. Ишоншини истамасдим ҳам. Аммо... Автобусда кета-

тиб тўсатдан турмуш ўртоғимга кўзим тушиб қолди. Ёнида бир аёл, қўлига катта сумкани кўтариб олганича иккиси чак-чақлашиб кетишарди. Улар мени кўришмади.

Автобусдан тушдим-да, уларнинг ҳам автобусдан тушишини кутдим. Эрим мени кўрди шекилли, бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Мен ҳалиги аёлнинг олдида бордим-да, "Ёнингиздаги эркак қаерга кетди? Ахир бирга келаётган эдинглар-ку!" - дедим. Аёл эсанкираб: "Сиз кимсиз ўзи?" - деб сўради. Мен аёлга: "Биламан, сиз эрим билан эдингиз. Жон опаюн, ахир олти фарзандимиз бор, аёл сифатида мени тушунинг, ёрдам беринг!" - деб ёлвордим. Эрим билан ораимизда кимдир пайдо бўлганидан шубҳаланётганимни айтдим. Аёл гапларим-

сира очилмасди. У мени уйимизнинг олдида олиб келди-да, яна Аяникига қайтиб кетди.

Кейин... Ўша аёлнинг бошқа шахарга жўнаб кетганини эшитиб хурсанд бўлдим. Лекин эримнинг энди унинг дугонаси билан учрашаётганини айтишди. У нақ худонинг балоси экан. Бундай аёлларга бас кела оларми? Шундай бўлса-да, оилам кўрғонини асраш учун ҳаракат қилардим.

Дам олиш кунларининг бирида эрим нонуштадан сўнг уйдан чиқди. Мен ҳам аста-секин унинг ортидан боравердим. У ўша аёлликка кириб кетгач, кўнгируқни босишга юрагим бетламай, эшик ортида анча турдим. Сўнг эшикни аста чертгандим, эшик очилиб останада ярим яланғоч эрим қоринди. Мен титраб:

- Бу ерда нима қиляпсиз? - дедим.

Эрим эса пинағини ҳам бузмасдан, "Мен шу ерда яшайман!" - деди. Кейин: "Йўқол! Кет! Болаларимга алимент тўлайман керак бўлса!" - дея бақирди.

Мен ҳам аламдан, хўрликдан бақира бошладим. Бир пайт қорнимга тушган кучли зарбадан кўз олдим қоронғилашиб, эгилиб қолдим. Шунда ҳам эримга, "Юринг, кетди! Мен сизни бу ерда кўрганимни ҳеч кимга айтмайман, юзингизга ҳам солмайман! Болаларимиз хур-

- Дадаси, анави Сорани (жазманнинг номи шундай эди) олиб кела қолинг. Қизингизнинг туғилган кунини бирга ўтказамиз, - дедим. Шу гапимдан кейин эрим ётган жойидан сақраб туриб кетди. Тезда кийиниб сумкани олиб бозорга кетди. Ярим соат ичида бир дунё нарсани кўтариб келди. Кейин Сорани олиб келди. Кўнглимдан қон оқиб турса-да, уни яхши қутиб олдим. Улар диванда ўтиришар, мен эса ошхонада ош дамлаб, куймаланиб юрардим. Вақт алламаҳал бўлди. Эрим жазманини кузатиб келгач, алам билан дедим:

- Ахир мен ҳам аёлман, менда ҳам юрак бор. Қачон аввалгидек бахтли яшаймиз ахир? Қачон бу йўлдан қайтасиз? - дедим.

У индамади. Шундан сўнг мен уни ўз ҳолига ташлаб қўйдим. Мен учун фарзандларимнинг соғлиғи, тарбияси муҳимроқ эди. Эрим ҳам эликка бориб қолди. Аммо унга инсоф қирай демасди. Мен эса болаларим билан аввалгидек бахтли дамларни кутиб яшардим. Эримнинг эса яна ўзига бошқа жазман орттирганини эшитдим.

Оилавий турмуш бир издан чиқса, рўзгордан файзу барака ҳам кетаркан. Болалар ҳам уйдаги нотинчликдан зада бўлишиб, маъюсланиб, руҳи синиқ, журъатсиз бўлишиб қолишар экан? Буларнинг ҳаммасига эрим ва ораимизда учинчи одамнинг пайдо бўлгани сабабчи. Эрим иккимизнинг ҳаётимизга ўзга аёллар кириб келишганидан кейин оиламиз пардек тўзиди, фарзандларимнинг кўзлари ёшланиб, менинг бахтли кунларимга эса қорачиқ тортилди. Орадан йиллар ўтди. Мана, бир неча ойки, эрим оғир бетоб бўлиб, уйимизда ётибди. Нега йиллардан буён уйдан қочиб юрган эрим, энди биз билан... Мен эса баъзан: "У илгариги кўнгилихушликларини қўсмамаяптимики?" деб ўйлайман. Назаримда у тавбасига таянган кўринади. Зора шундай бўлса!..

Ҳалиги аёллар-чи? Улар эримнинг касаллигини эшитиб, кўнгили сўрамоққа ҳам ярашмади. Уларга фақат соғлом ва пулдор эркаклар керак.

- Бу аёллар қачон тавбасига таянган экан? - деб ўйлайвераман, аммо, саволларимга жавоб топа олмайман. Шулар туфайли оғир кунларни бошимдан кечирдим. Қаддим буқилди, қадрим йўқолди. Гүлдек чехрама ажинлар тўрнини солиб, сочларимга оқ қировлар қўнди. Умримнинг энг қайтмас дамлари изтиробу армонлар билан ўз мазмунини йўқотди. Э, вох, нега шундай бўлди-а? Нима учун? Мен ҳалол, покиза бир аёл, кўз очиб кўрган эрим билан бахтли яшашга ҳақли эдим-ку! Ўша уятсиз, беор аёлларнинг бир умр лаънатлаб яшайман... Мен каби аёллар учун ҳам Аллоҳ уларнинг жазосини берсин. Сизларга айтадиган гапларим жуда кўп. Бошимга тушган савдоларни қанча айтсам ҳам тугамайдигандек назаримда...

Эрим қайта-қайта тавба тазаррулар қилди. "Мен бутунлай ўзгардим. Энди сени ҳам болаларимнинг ҳам юзига оёқ босмайман. Касал бўлганимда бегона аёллар эмас, сизлар кунимга ярадинглар. Мени кечиринглар. Энди фақат сизлар учун яшайман!" - дея тақоррайди. Мен бу гапларга ишонгим, яна илгаригидек бахтли бўлгим келди.

Эҳтимол, газетанинг келгузи сонларига тақдиримдаги ўзгаришлар ҳақида яна ёзиб юборарман.

ЧАМАНГУЛ.

## ҚИСМАТ ЮКИ



Сир  
изҳори

## ОҒИР ЭКАН...

ни жимгина эшитди-да, индамай жўнаб қолди. Эримнинг бошини айлантриб юрган аёл шу эканлигини эртасига билдим. Менинг гапларимни эримга оқизмай-томизмай айтиб берибди. Ўша куни эрим ишдан жуда ёмон кайфиятда келди. Ҳали уйга кирмасдан останада туриб менга қараб ўдағайлаганича:

- Ҳозирок мен билан бориб, Аяндан кечирим сўрайсан! Бўлмаса мен уйдан бутунлай чиқиб кетаман! - деди. Аянинг кечаги аёл эканини сезсам-да:

- Ахир Аяндан нега кечирим сўрайман? Уни ҳақорат қилганим йўқ-ку! - дедим. Рўзгор учун озгина пул қолганди. Эрим: "Шу пулнинг ҳаммасини олиб чиқ!" - деди. Индамай олиб чиқиб қўлига тутқаздим. Кейин эрим билан бозорга бориб шу пулларга жуда чиroyли гўлдаста сотиб олди. Сўнг ўша аёлнинг уйига кириб бордик. У дастурхон тузаб ўтирган экан. Гўлни аёлнинг қўлига бериб, худди эски танишдек сўрашдим. (аслида эрим менга шундай деб ўргатганди) Дастурхон атрофида ўтирганимизда аёл билан эрим зимдан кўз уриштиришар, мен бунга сезсам-да сезмасликка олиб индамай ўтирардим. У ёшига ярашмаган қилиқлар билан эримнинг атрофида тинмасдан парвона бўларди. Эримдан ёши катталиги яққол кўриниб турса-да, "акажон!" дея мурожаат қиларди. Сир бой бермай у билан яхши кайфиятда хайрлашдим. Йўлда эримнинг қовоғи

мати учун уйга юринг..." - дея ялардим. Эрим жазманга ўзини кўрсатмоқчи бўлдим, қорнимга иккинчи бор зарба туширди. Кучли оғриқдан чиқибди юбордим. Лекин кетмасдан эшик ташқарисида ўтиравердим. Ярим соатча вақт ўтди. Эрим чиқавермагач, кўнгируқни яна босгандим эрим чиқиб: "Сен ҳалиям шу ердасан?" деб мени тилига келган ёмон сўзлар билан ҳақоратлади. Мен: "Сиз билан бирга кетаман, дадаси!" дея олдим, холос. У жаҳл билан менга қараб тургач, ичкарига кириб тезгина кийиниб чиқди ва мендан олдин тез-тез юриб кетди. Шу-шу эрим на менга, на болаларимга, на рўзгорга қарамай қўйди. Кунларимиз шу зайлда ўта бошлади. Уй-рўзгордаги камчиликларни айтсам, "Сен агар анави аёл (жазмани) билан бордик-келдик қилсанг, ҳамма айтганим бўлади!" - дерди. Мен эса кўнмасдим. Ахир олтига болам бор эди. Бегона аёлга эримни бериб қўйиб болаларимни тирик етим қилиб қўйишни истамасдим-да.

Қизимнинг туғилган куни эди. Бечора болам толга дастурхон ёзиб, уни чиroyли қилиб безашимизни ва совғалар беришимизни кутарди. Шунда: "Дадаси, қизингизнинг туғилган кунига бирорта яхши совға олашимиз?" - дедим. Эрим эса: "Пулим йўқ!" деб телевизорга қараб ётаверди. Мен шу пайтда қизалогимнинг кўнглини кўтариш учун ҳамма нарсага тайёр эдим. Ниҳоят ўйлай-ўйлай унинг қалбига йўл топдим.


# САВОЛ БЕРИЊГ

**- Буйракда тош пайдо бўлганида қандай усуллар билан даволаниш мумкин?**

**Х.ВАСИЕВ**

- Тош пайдо бўлишини келтириб чиқарадиган асосий сабаб тула ўрганилмаган. Барча аниқланган тузларни (прелитиоз) ва тошларни (литиаз) даволашда куйидаги чоралар кўрилади:

- Тузларни ва майда тошларни пешоб билан ташқарига чиқариб юбориш;
- 1 см. гача бўлган тошларни даволаш чоралари қўлланилганда ҳам пешоб билан ташқарига чиқиб кетмаса, тошларни турли илмоқлар билан пешоб йўлларида торти олинади.
- Катта ва кўп бўлган тошларни турли аппаратлар, асбоблар билан аввало тошларни турган жойларида (қовуқда, пешоб найида ва буйракда) майдаланилади. Сўнгра пешоб билан ташқарига чиқариб юборилади ёки махсус суюқликлар ёрдамида пешоб йўллари ювиб, тошлар чиқариб ташланади.
- Агарда тошлар буйрак ва пешоб йўлларида йирингли шомолаш асоратини вужудга келтирган бўлса, жаррохлик амалиёти қўлланилади.
- Турли ўсимликлар ёрдамида тошларни эритиш билан ҳам ижобий натижага эришилмоқда.



**- Сочим тез-тез тўқилади. Олдини олиш учун қандай муолажа қилсам бўлади?**

**Баҳром, Асака шахри.**

\* Бир ош қошиқ асал, алоз шарбати, бир бош саримсоқ пйезнинг сувини аралаштирилади. Сўнгра ундан 1 ош қошиқ олиб, 1 та тухум сариғи билан ийлаб, бош терисига сурилади. Рўмол билан боғлаб устидан целлофан ўрагач, 20 дақиқа туради.

\* Бир ош қошиқ ароққа тухум сариғини яхшилаб аралаштириб, бош терисига суртилади. 40 дақиқадан кейин бош иссиқ сувда ювилади.

\* Седанани куйдириб ётга ёки ҳинога кўшиб бошга сурилса, сочининг тўкилишини тўхтатади.

Газанда ўти (қичитки) дамланиши сочни мустаҳкамлашда, соч тушишининг олдини олишда тавсия этилади. Бунинг учун қуритилган баргдан бир ош қошиқда бир пиёла қайноқ сувга солиб, дамланиди. Сўнгра бош териси артилади. Бу муолажани ҳар ҳафтада қайтариб турилади.

**- Қизим ухлаётганида тишларини гижирлатади. Унинг сабаби нимада?**

**А.НУРОВ, Фаргона шахри.**

Тишларни гижирлатиш ўзига хос хасталик. Бунда тиббиётда бруксизм дейишади. Бунда бола кечаси ухлаб ётганида тишларини гижирлатади ёки бўлмаса кундуз кунлари доим лабини маҳкам юмиб юради. Бунга чайновчи ёки бўлмаса чакка мушакларининг спазми ёхуд қисқариши сабаб бўлади. Асаблар, иккала жағини нотўғри қисилиши, тиш протезларини тўғри тайёрланганлиги, аллергиялар, гижжалар (гельментлар) интоксикацияси, болаларда туғруқ пайтида бош ичининг шикастланиши шунга олиб келади. Тишларни гижирлатганда баъзан юз ва чакка суяклари оғрийди, қулоқ шанғиллайтиди, бола безовта бўлади, ёмон ухлайди. Бруксизмин даволаш учун энг аввало уни келтириб чиқарадиган сабабларни билиш ва бартараф этиш керак. Унинг сабабини аниқлаш учун невропатологга учраш керак.

Баъзилар тиш гижирлатишни арзимас дард деб ўйлаб, унга аҳамият бермасликлари мумкин, лекин бу хасталикни албатта даволатиш керак. Бўлмаса, тишлар емирилиб кетади, бу эса бўғимлар артрозига ва парадонтитга олиб боради. Болада гижжалар бўлса, таҳлилда аниқланади, у - бу турига танлаб дори воситалари тавсия этилади, натижада дарддан фориғ бўлади.

**- Доривор ҳидли ўтлар билан даво тоса бўладими? Назирахон МАҲСУМОВА**

- Ҳид билан даволаш мумкинлиги ҳақида маълумотлар бор. Аждодларимиз ухлатадиган, тинчлантирадиган ёхуд тетиклантирадиган доривор гиёҳлардан фойдаланишган. Канадалик тадқиқотчиларнинг аниқлашича, бодом ҳиди ва атиргул ҳиди оғриқни қолдираган экан. Аммо, бу фақат аёлларга таъсир қилиши аниқланган.

- \* Эвкалипт - мия ишини фаоллаштиради
- \* Мойчечак гули ҳиди - тинчлантиради, уйку келтиради
- \* Лаванда ҳиди - хотиржам қилиб, қалбингизни ёритади
- \* Атиргул ҳиди - кайфиятни кўтартади
- \* Зира - хузурбахш таъсир қилади
- \* Сиркани эса ҳеч ким ҳидламагани маъқул, у оғриқни зўрайтиради.

**- Арпабодиёни (анис) - шифобахш гиёҳ дейишади. Бу қандай хасталикларга даво бўлади?**

**Садбарой ҚУРБОНОВА, Жиззах тумани.**

- Арпабодиён дамламаси меъда-ичак касалликларини даволовчи, иштаҳа очувчи, чанқоқни босувчи, ўт (сафро) ҳайдовчи, терлатувчи ва энгил сурғи дори сифатида ишлатилади. Арпабодиён мевасининг қайнатмаси тана ҳарорати кўтарилганда, асабийлашганда, қорин дам бўлганда тавсия этилади. Арпабодиён билан анжир қайнатмаси изтиробли йўтал ва нафас қисийишга малҳам бўла олади.

Арпабодиён меваларидан уй шароитида дахлама тайёрлаш учун 1 чой қошиқ ўсимлик меваси 200 мл. қайноқ сувга солинади, бир соат давомида дамланади. Шундан сўнгра дахлама учга бўлиниб, кунига 3 маҳал ичилади.

Арпабодиён кўриш қувватини оширади. Эмизикли аёлларнинг сутини кўпайтиради.

**Қадоқдан қутулишининг йўли борми?**

**К.КОДИРОВ**

Айрим кишиларнинг оёқларида кўпинча қадоқ пайдо (попайбазалини нотўғри кийиш натижасида) бўлиб қолади. Ва юрганида оғриқдан нолийди, шифо излаб қолади. Тўғри, дорихонада қадоқ дориси бор, лекин халқона малҳам ҳам бор. Билмасангиз-билинг. Пиёз бўтқасини сирка (уксус)да 15 кун мобайнида сақлаб туринг. Сўнгра тайёр бўлган аралашмадан қадоққа кечаси қўйиб, боғланади. Бу муолажани бир неча бор такрорлаш керак. Ва пировардида қадоқдан халос бўласиз.

Яна бошқача усул: уйку олдида иссиқ сувда оёқ парланади, қуригунча артилади ва қадоқ ҳосил бўлган жойга лимон пўстлоғи озгина "гўшти" билан боғлаб қўйилади. Бунда қадоққа яраша лимон танлаб олинади. Орадан 4-5 кун ўтгач, қадоқ йўқолиши мумкин. Кези келганида шунинг ёдда тутинг: қанд касалига чалинган кишилар қадоқни ўткир нарсас билан (пичоқ ёки писка-лезвия) олиб ташлашга ҳаракат қилишади. Бу асло мумкин эмас. Илоҳи борича, бундай кимсалар қадоққа тиг тегишмаслиги даркор. Акс ҳолда қош қўяман, деб кўз чиқарманг. Асорати ёмон бўлади.

# ЖАВОБ БЕРАМИЗ

**- Товоним ёрилиб, турли дорилар суртсам ҳам нафи бўлмаяпти. Халқ табобатида маълум давоси борми? С.ХОЖИБОЕВА, Наманган вилояти.**



- Дарҳақиқат, баъзи кишиларнинг товони териси қалинлашади, кўпинча у ёрилиб бирмунча азоб беради. Яъни, ёрилган жойга инфекция тушиб пировардида яллиғланиши мумкин. Олдини олиш учун ҳар кунни ётишдан олдин оёқ яхшилаб ювилади ва "А" дармон-дорили крем суртилиб, териға сингиб кетгунча ишқаланади.

- Товон териси жуда қалинлашиб кетган бўлса, ҳафтада 2 марта илиқ сувга ичимлик содаси ва новшадил спиртдан қўшиб оёқ обзани қабул қилинади. Бунинг учун бир литр иссиқ сувга бир ош қошиқ сода ва 2 қошиқда новшадил спирти солинади. Шифокор тавсияси билан товонга солицил кислота малҳамидан қўйиб боғланса, унинг қадоққа ўхшаб дағаллашиб қолган жойи юмшади. Бунда оёқ аввал яхшилаб ювилади, кейин малҳамдан суриб устидан ёгли қоғоз ёпилади ва 6-8 соатга бинт билан боғланади. Кечқурун эса обзан қабул қилинади, дағаллашган тери жилвир тош билан ишқалаб ташланади. Обзандан сўнгра калий перманганатнинг оч ранги (пушти) билан ювилади.

Оёқ обзани (ваннаси) қабул қилингач, 3 соатдан кейин товоннинг ёрилган жойларига синтомицин эмульсиясидан суртилади. Ҳар кун кечқурун шундай муолажа қилиб турилса, товоннинг ёрилган жойи одатда 7-10 кунда тузалиб кетади, азобдан халос бўласиз.

**- Қон босими юқори бўлган кишиларга дори воситаларидан ташқари табиий гиёҳларнинг нафи борасида ҳам маълумот берсангиз.**

**Д.РАҲИМОВА**

\* Лимонли чой ичиб туринг. Картошкани кўрга кўмиб еб юринг. Беда гулини чой каби дахлаб, ярим стакандан 3 маҳал ичиб юринг.

\* Асалга лавлаги ширасини аралаштириб, бир ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. 3 та саримсоқпйёз бошини ва 3 та лимонни олиб, майдалаб, устига 250 гр. қайноқ сув қўйилади ва идиш қопқоғи зинч ёпилиб, бир кун музлатгичда сақланади. Сўнгра аралаштириб, доқа орқали ўтказилади. Кунига 1 ош қошиқдан 3 маҳал таомдан олдин ичилади. Шивит қайнатмасини 3 фоизли натрий бром билан қўшиб, 1 ош қошиқдан кунда 3 маҳал ичиб юрилса, яхши наф қилади. Шивит қайнатмасини доқадан ўтказиб, кимизга қўшиб ичилса ҳам фойда беради. Фақат ундан сўнгра 600 мл. қайноқ сувга лимон шарбати ва озроқ асал қўшиб ичиш керак.

\* Бехининг барги, новдасининг пўстлоғи, ёш шохчалари қон босими ошганида туширади.

\* Дўлана меваси ва гулининг дахламаси қон босими ошганида уни пасайтирувчи омил сифатида қўлланилади.

\* Қон босими ошган беморлар чилонжийда мевасидан есалар, кайфиятлари яхшиланади, бош оғриғи ҳамда юрак атрофидаги оғриқ йўқолади. Чилонжийда қон томирларни кенгайтиради, деворини мастаҳкамлайди. Натижада гипертония (қон босими ошиши)га мубтало бўлган беморнинг аҳоли яхшиланади.

**Оёқ терласа қандай чора қўлламоқ керак?**

**Б.МИРЗАЕВ.**

Олдини олиш учун ним пушти қилиб марганцовка эритилган сувда оёқни ювиб туришни маслаҳат берамиз. Ёнғоқ барги дахламаси қўшилган сувга ювиш ҳам мумкин. Бунинг учун 5-6 та янроқ ёнғоқ баргини қайноқ сувга солиб, 20-25 дақиқа дам берилади-да, оёқ ювиладиган сувга аралаштирилади. Ҳар икки усул оёқ терлашни қолдиради. Агар бармоқлар ораси қизариб яллиғланса, ўзингиз қуйидагича сепма дори тайёрланг. 1 чой қошиқ борний кислотасига уч қошиқ тальк қўшинг.

**М. МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.**



Олти харфдан иборат сўз топ хотин!  
«Ремонт»да, ремонт, дадаси.

- Хотин, бугунча телевизорни уй тўрига қўяйлик.  
- Нега? Турган жойи яхши-ку!  
- Тўғри-ю, аммо бугун хўжайин телевизорга чиқадиган эдилар.

Психиатрга бемор мурожаат қилибди:  
- Дўхтир, бедаво дардга йўлиқдим. Узимга-ўзим икки киши бўлиб кўринман.  
- Хеч нарсани тушунмадим, - деди дўхтир, - яна бир такропланг. Фақат икковинглар баравар гапирманглар.

- Эсингни еб қўйибсан! Денгизда дам олгани кетаётган одам қора кўйлакни нима қилади?  
- Ҳамма вақт ҳамма нарсани ҳисобга олиб юрмоқ лозим. Эрим шўрлик сузишни билмайди-ку!



- Ия, тугқан болангни олиб кетмайсизми?  
- Бизга ҳозирча бола керак эмас, «Меҳрибонлик» уйига топшириб юбора қолинглар.

Қиз йигитидан сўраб қолди:  
- Эшитишимга қараганда мендан олдин ҳам ким биландир юрган экансиз, шу ростми?  
- Қизиқ, сиздан олдингиси ҳам негадир ўзидан олдингисини суриштириб қолганди.



—Кўверинг, янгажон, бу ерда манишларим бор.  
Келин-кўён соппа соғ деб хужжат тўғрилаб беришами.

“Машинамиз ҳаллослаб Чимёнга етиб келганида, тўрт тарафимизни ўраб турган тоғлар чақирилмаган меҳмонларга хўмрайиб қараб турарди”.

(Бир ҳажвия ўхшатмасидан)

“Юрагида чўғи бор экан, севглисини кўриб аланга олди”.

(Бир ҳикоядан)



—Мамаюсуф машина сотиб олиб, ҳайдашни машқ қилаяпти!




“Мен гўнчаман гул-боғдаги, Тиконим бор, узолмайсиз”.

(Бир газетхон ижодидан)

Кечаси милиция бошлигининг телефони жиринглади, гўшақда кимдир қичқирди:  
- Илтимос, ўтинаман, дарҳол етиб келинг! Хонада мушук юрибди.  
- Эсингиз жойидами? - деб қичқирди бошлиқ. - Арзилмаган зап учун қўнғироқ қилгани нечук журъат этдингиз! Ким бу гапирётган?  
- Тўйиқуш...

Чақмоқ чақинидан чўчиган болакай дадасининг пинжига суқаларкан сўради:  
- Дадажон, осмонда нима бўлаяпти ўзи?  
- Иккимизни суратга олишаяпти.



ЎҚЛОВ ТУШДИ БОШИГА

Яқин юрсанг қозона,  
Юқар, дерлар қораси.  
Зокир билан Тешанинг  
Узоқ эмас ораси.  
Ўша оқиом ёмғир ҳам,  
Ёғар эди эзилиб.  
Қоронғида бир кимса,  
Ётар эди чўзилиб.  
Буни кўриб Зокирининг,  
Ўзи ҳам чўчиб қолди.  
Борманг дея, олдига,  
Хотини қочиб қолди.  
Ие, деди: Теша-ку,  
Роса ҳам ичан экан.  
Уйига етолмасдан,  
Шу ерда ўчган экан.  
Зокир деди: Бу ерда,  
Лойга ботиб ётмасин.  
Дайди итлар юзини,  
Тагин ялаб кетмасин.  
Бир амаллаб бўлса ҳам,  
Уйига етказайин.  
Соғ-омон хотинининг,  
Қўлига тутқазайин.  
Тешабойнинг хотини,  
Кўяр-ов тоганини.  
Агар билса эрининг,  
Айбини ёганини.  
Қарамади ҳатто у,  
Устидаги лойига.  
Гоҳ кўтариб, Тешани,  
Судраб кетди уйига.  
Бир амаллаб: “Келин”, - деб,  
Унинг эшигини очди.  
Хотини ўқлов билан,  
Унга захрини сочди:  
- Манов ётган, мурда ким,  
Нега бундай ётибди?  
Зокир деди: - Э, келин  
Эринг роса отибди.  
- Бекор, - деди ҳаммаси,  
Ўзингиз ичиргансиз.  
Унга қўярда-қўймай,  
Шишани очиргансиз.  
Уфатларнинг касридан,  
Жуда ҳам тўйиб кетдим.  
Бўшаб қолган ишшага,  
Шу кунлар бойиб кетдим.  
Тешабойнинг хотини,  
Гап билан чайнар эди.  
Боши гангиб Зокирининг,  
Юраги ўйнар эди.  
Бу ҳам етмай, қарсиллаб,  
Ўқлов тушди бошига.  
Астагина чўзилди,  
Шеригининг қошига.

Пардабой ҚУЛАТОВ,  
Сурхондарё вилояти,  
Жаркўрғон тумани,  
«Сурхон» фермерлар уюшмаси.



Рассом— А.ҲАКИМОВ  
Хандалар муаллифи М.МИРЗАШАРИПОВ.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.  
Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА  
Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20  
Табриклар, эълонлар: 133-04-50  
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46  
Бухгалтерия: 132-07-41  
Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга толшириш вақти - 20.00. Босишга толширилди- 21.00  
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru

ХОМИЙ: «Матбуот таркатувчи» акциядорлик компанияси  
ОБУНА ИНДЕКСИ - 176  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма Г - 1040. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.  
Адади - 16145  
Саҳифаловчи — Ш. БАРОКОВ  
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ  
Навбатчи — Б. САЙДАЛИЕВА  
Мусахҳиҳ — С. САЙДАЛИЕВ